

63.3 (570)  
Б-79

Собиржон  
БОЛТАБОВ

**ЧОРИЗМ**  
**ЎУКМРОНЛИГИ**  
**ДАВРИДА**  
**ИСЛОМ**



63.3 (5995)  
6-78

**Собиржон БОЛТАБОЕВ**

# **ЧОРИЗМ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ИСЛОМ**

*(ўқув - услубий қўлланма)*



«Наманган» нашриёти  
2005

*Масъул муҳаррир:*

**И. А. АЛИМОВ**, тарих фанлари доктори,  
профессор

*Тақризчилар:*

**Б. ИСОҚОВ**, тарих фанлари номзоди.

**Т. ҚОЗОҚОВ**, тарих фанлари номзоди.

Ҳозирга қадар ёзилган дарсликларда ислом дини вакилларига бўлган муносабат масаласи ҳолисона ёритилмаган бўлиб, шўролар ҳукмронлиги даврида «Дин халқ учун афјундир»-шиори остида уларга қарши кураш олиб борилди. Мусулмон руҳонийлари жоҳил, жамият тараққиётини орқага тортувчи қора кучлар сифатида талқин этилган.

Нам ДУ тарих факультети Ватан тарихи кафедрасининг мудури, тарих фанлари номзоди С. Болтабоевнинг мазкур ўқув-услубий қўлланмасида мустамлакачилар томонидан мактаб ва мадрасаларнинг даромадларини тортиб олиниши, уларда дунёвий фанларнинг ўқитилишини таъқиқлаш, ислом дини вакилларини давлат ишларига аралашувини чеклаш билан боғлиқ тарихий воқеалар ёритилган.

Қўлланма университет, институт, коллеж ва академик лицей талабалари ҳамда тарихчи олимлар, урта мактаб ўқитувчилари шунингдек шу соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

486 – 898,64 - 1106550

НГ ----- 2005

487 – 4,5 – (06) – 05

© С. Болтабоев. «Наманган» нашриёти.

## КИРИШ

*Ислом дини – бу ота боболаримиз дини, у биз учун ҳам ишмон, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ, ақидалар ишгиндиси эмас.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Республикаимиз мустақилликка эришганига 13 йил тўлди. Бу тарих олдида ниҳоятда қисқа муддат бўлиб кўринса-да, аммо моҳият жиҳатидан асрларга тенг мазмунга эга бўлган тарихий ҳодисадир.

Туркистон ўлкаси қадим замонлардан бери табиий-географик иклими, бойликларининг кўплиги, ҳосилдор замини билан атрофдагиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Она диёримиз бир неча маротаба душманлар томонидан вайрон этилган. Халқимиз ўнлаб-юзлаб марта тинч яратувчилик меҳнатини тўхтатиб, она-юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашга отланган.

Туркистоннинг тақдири ғоят машаққатли кечди. Рўй берган вайронларчиликлардан ақл бовар қилмас даражада моддий ва маънавий зарар кўрилди.

Босқинчилар ҳукмронлиги даврида халқимизнинг тили, дини, урф-одати, маданияти, миллий ва диний кадриятлари оёқ-ости қилинди. Азиз-авлиёларнинг қабрлари ва муқаддас қадамжолари вайронага айлантирилди.

Ислом таълимотининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз Имом ал Бухорий, Исо Термизий, Маҳмуд Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалар ҳақидаги ҳақиқат халқимиздан яшириб қилинди.

Шўролар даврида эса инсоф ва диёнат бир чеккага суриб қўйилиб «Дин халқ учун афюнدير» деб ислом таъкиб остига олинди. Ислом дини вакиллари халқ душмани сифатида отилди ва узок

Ўлкаларга бадарга қилинди. Мусулмон аҳлининг ҳаж қилиши деярли таъқиқлаб қўйилди.

Динсизлик шиор қилиб олинган социалистик жамиятда ҳар қандай диний уламо жоҳил, диндорлар эса жамият тараққиётини орқага тортувчи қора кучлар сифатида талқин этилди.

Партия органлари эса айниқса, ёшлар орасида динга қарши кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Динга қарши мавзуда асарлар битилди, спектакллар қўйилди, кинофильмлар яратилди. Худосизлар уюшмаси ҳам тузилди. Бу албатта, фуқароларнинг дин эркинлиги ҳуқуқига қилинган ошқора тажовуз эди. Лекин шундай шафқатсизликка қарамай, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмушида ислом дини ўз ўрни, аҳамиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг тарихи, тили, дини, урф-одатлари, миллий кадриятларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Истиклол йилларида тарихимизни ўрганиш борасида эскириб қолган, ҳаёт синовидан ўта олмаган услубиёт ўз ўрнини тамоман янгича услубиётга бўшатиб берди.

Ватанимиз тарихини ҳолисона ва ҳаққоний сритиш борасида ҳам, нисбатан қисқа давр ичида ниҳоятда катта ва кенг қўламдаги илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Истиклол шарофати билан ислом динига ва дин аҳлларига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Коммунистик мафқуранинг партиявийлик, синфийлик, даҳрийлик тамойилларидан халос бўлинди. Маънавиятимиз ўзининг миллий тарихий негизларига қайтиб, у янги миллий истиқлол ғоясига ва мафқурасига таяна бошлади.

Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, масжид-мадрасалар, тарихий обидалар таъмирланди ва янгилари бунёд этилди. Ўзбекистон фуқароларини ҳар йили ташкилий равишда ҳаж сафарларига юбориш

йўлга қўйилди. Рўза ва Қурбон ҳайити байрам сифатида нишонланадиган бўлди. Ўтмишга ҳаққоний баҳо бериш ута кийин вазифа. Очигини айтганда, ҳали ҳам тарихимизда мукаммал ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлар талайгина. Масалан: «Чоризмнинг кўчириш сиёсати», «Туркистонда ислом динининг аҳволи», «Туркистондаги очарчилик», «Туркистон легиони» каби мавзулар ҳозирга қадар ўзининг тўла счимини топганича йўқ.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинди. Ўлка истило этилгандан сўнг босқинчилар, бу ерда ўзларининг талончилик сиёсатини олиб бориш билан бирга, ислом дини вакиллариغا нисбатан ҳам душманлик кайфиятида бўлдилар. Дастлабки кунлардан бошлаб, мактаб ва мадрасалардаги дунёвий фанлар ўқитилишига қаршилик қилинди. Мадрасалардаги «мутаваллибоши» лавозими йўқ қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад, ўлка аҳолисини илмсиз, маданиятсиз, итоатгўй қулларга айлантириш эди. Босқинчи генераллар ўзларини гўёки ислом дини вакилларининг ички ишларига аралашмастгандай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Амалда эса, уларга доимо тайзиклар ўтказдилар.

Хуллас, тақдим этилаётган ушбу ўқув-услубий қўлланма орқали чоризмнинг мустамлакачилик давридаги ислом динига бўлган муносабат масаласини очиб беришга ҳаракат қилинди. Мазкур ўқув услубий қўлланмадан университет, институт, коллеж ва академик лицей талабалари ҳамда тарихчи олимлар, ўрта мактаб ўқитувчилари шунингдек шу соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Ушбу рисолада фақат чоризмнинг мустамлакачилиги даврида ислом динига бўлган муносабат масаласи ёритилган. Шўро ҳокимиятининг ислом динига бўлган муносабати масаласи эса ўзининг счимини кутиб турган муаммолардан биридир.

Муаллиф, рисола хусусида ижодий ва танқидий фикр мулоҳазаларини баён этган китобхонларга аввалдан миннатдорчилик билдиради.

## Хонликлар даврида ислом динининг аҳволи

Ислом дини Мовароуннаҳрда араблар истилосидан кейин таркала бошлаган ва VIII аср бошида узил-кесил қарор топган. Тарихий маълумотларга кўра, араблар истилосига қадар Мовароуннаҳрда кўп худодик, яъни зардуштийлик, буддавийлик, моний, кам (шомон) ҳамда христианликнинг насронийлик мазҳаби мавжуд бўлган.

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда аждодларимиз ҳунармандчиликда, амалий билимларда, санъатнинг барча турларида-ҳайкалтарошлик, рангтасвир, мусиқа, театр, рақса юксак ютуқларни қўлга киритганлар Марказий Осиёнинг Варахша, Болаликтепа, Афросиёб, Ажинатепа ёдгорликларидаги фрескалар (деворларга ишланган рангтасвир асарлари), шунингдек Сополлитепа, Ерқўрғон, Қўйқирилган қалъа, Айритом, Холчаён ва бошқа кўплаб археологик ёдгорликлардан топилган сурат чизилган сопол идишлар, тангалар, ҳайкалчалар ва ибодат буюмлари, заргарлик ва санъат намуналари юкоридаги фикримизнинг яққол исботидир.

Араблар истилосига қадар Мовароуннаҳр ҳудудида турли динлар кўплаб учрасада, ўтроқ халқ оммаси асосан зардуштийлик динига амал қилган. Бу даврда яқка ҳукмронлик қиладиган бирор дин бўлмаган ва бу ҳақида тарихий манбаларда (Хитой, Ҳинд, Яқин Шарқ) маълумотлар учрамайди.

VIII асрга қадар жуда ранг-баранг маданият, бой шахарлар, юксак маънавият вужудга келганини кўрамиз. Термиз, Бухоро, Хива, Урганч, Самарқанд, Варахша, Кеш, Ахсикент, Марв, Балх каби шахарлар гуллаб яшнаган. Бу даврда сўғд, уйғур, турк, хоразм ёзувлари мавжуд бўлиб, бу ёзувлардан элчилик мактублари, хўжалик қирим-чиқимлари, юридик шартномалар, тарихий ёдномалар ҳамда астрономик ҳужжатларни битишда кенг фойдаланганлар. Берунийнинг хоразмликлар арабларга нисбатан буржларни, йил ҳисоблари ва умуман юлдузлар илмини яхшироқ билганликлари тўғрисидаги маълумоти бунга яққол тасдиқлаб турибди.

Хулоса қиладиган бўлсак, араб истилоси арафасида ягона дин ҳукмронлигини ва бошқа динларнинг таъқиб қилинишини кўрмаймиз. Албатта, турли динлар ва эътиқодлар бор экан, улар ўртасида рақобат

ва кураш ҳам бўлади. Аммо бизнинг аجدодларимизга диний бағрикенглик хос бўлган. Шу сабабдан улар илм-фанда, санъатда ва ижодда юксак натижаларга эришганлар.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, юксак маданиятли Мовароуннаҳр аҳолиси ислом динини осонлик билан қабул қилмаган. Шунинг учун ҳам араблар ислом динини маҳаллий халқ орасида тарқатиш мақсадида зардуштийлик, будда ва бошқа дин намоеਂдаларини қувғин қилдилар. Диний китобларни, санамларни гулханларда ёқдилар, ибодатхоналарни вайрон қилдилар.

Бу жараён бирданига ва силлик кечгани йўқ, албатта. У конли тўқнашувлар, жангу-жадаллар, аввалги мафкураларни, ислом талабларига зид маънавий фаолият ва ижодни таъқиқлаш, зарур келганда, таъқиб ва қатағон қилишлар билан бирга олиб борилди. Масалан: Бухорода масжидга бориб намоз ўқиганларга икки дирҳамдан пул ҳам берилди. Бу ҳам етмагандек, маҳаллий аҳолига уйининг ярмини уни назорат қилиш учун араб навқарига бўшатиб бериш талаб қилинди<sup>1</sup>.

Исломни қабул қилганлар моддий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан рағбатлантирилди. Қабул қилмаганлар эса «жизья» яъни жон солиғи тўлашга мажбур бўлди, нуфузли мансабларга тайинланмади ва х.к.

Аҳолининг норозиликлари, кўзғолонлар шафқатсиз бостирилди. Абу Райҳон Беруний шундай далолат берган: «Қутайба ибн Муслим ал-Баҳилий хоразмликларнинг котибларини халос этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб-дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтишжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар»<sup>2</sup>.

Ислом дини бизни маънавий маданиятимизнинг баъзи шаклларидан жудо қилди, яъни ҳайкалтарошлик, ранг-тасвир ва умуман мусаввирлик аста-секин барҳам топди. Мусиқа, ашула, ракс чекланди, фақатгина дорбозлик, масхарабозлик ва аския сақланиб қолди.

Лекин исломнинг кириб келиши жуда кўп жиҳатдан фойда келтирди. IX-XII асрларда жаҳондаги энг илғор ва тараккийпарвар

<sup>1</sup> Херман Вямбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент 1998. 19-бет.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Таъриҳи асарлар. 1-жилд. Тошкент. 1960. 81-бет.



илм-фанни, адабиётни, фалсафани, ахлоқни, ҳуқуқни, таълим-тарбияни яратди. Араб тилининг миллатлараро сўзлашув воситасига айланиши натижасида хунармандчилик, савдо, шаҳарсозлик ривожланди.

Нима сабабдан араб истилочилари Мовароуннаҳрни тез ва осон босиб олдилар? Бунинг сабаби биринчилан ўлка халқлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирликнинг йўқлиги ва феодал тарқоқликнинг мавжудлигидир. Иккинчилан, араблар турк кабилалари билан маҳаллий ўтрок халқлар ўртасида мавжуд бўлган карама-қаршилиқлардан ҳам фойдаландилар. Учинчилан, араблар босиб олган мамлакатларнинг аҳоли кучлари, моддий бойлик имкониятларидан она тупроғимиз худудларини босиб олиш чоғида фойдаландилар. Тўртинчилан, араблар босқини арафасида Мовароуннаҳрда кўп динлик ҳукм сурарди. Бу ҳолатлар арабларнинг ғалабасини енгиллаштирди.

Ислом сўзи арабча «худога ўзини топшириш», «итоат», «бўйсунуш» маъносини англатади. Шундан бу динга ишонувчилар арабча «муслим» (бўйин эгувчи) деб аталади. Бу сўзнинг бузиб талаффуз этилиши оқибатида Эронда «мусалман», Марказий Осиё мамлакатларида «мусулмон», Русияда «басурман» атамалари келиб чиққан.

Ислом дини таълимотининг асослари муқаддас ҳисобланган «Қуръон» ва «Ҳадис» тўпламларида ўз аксини топган. Қуръон-арабча кироат, ўқув, деган маънони англатиб, унда Ислом шариатининг асосий манбалари ўз ифодасини топган. Бу муқаддас китобда Ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва таъқиқлари баён этилган. Қуръон аллоҳнинг каломи сифатида талқин қилинади.

Қуръони карим китоби дунёдаги барча халқларнинг диққат эътиборини ўзига қаратиб келган ва келмоқда. Дарҳақиқат, у 1698 йилда латин тилига, 1770-1828 йиллар орасида саккиз марта француз тилига, 1734-1826 йилларда ўн марта инглиз тилига, 1946 йилда немис тилига, 1716-1986 йилларда етти марта рус тилига таржима қилинган. Ўзбек халқининг қарийиб 1300 йилга яқин тарихи ислом дини ва маданияти билан бевосита боғлиқ бўлсада, Қуръон мустақилликка қадар ўзбек тилига таржима қилинмади. «Дин-халқ

учун афюндир» деган марксча-ленинча ғоя асосида ислом дини ва мукаддас Қуръони карим китоби халқ оммаси учун зарарлидир, улар онгини заҳарлайди, деб бу китобни оммадан узокда сир сақладилар. Фақат мустақиллик шарофати туфайли 1992 йилда ўзбек халқи Қуръонни ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлди<sup>1</sup>.

Араб халифалигининг олиб борган босқинчилик сиёсати натижасида ўзининг барча ҳақ-ҳуқуқларидан ажралиб, маданияти оёк ости қилинган Мовароуннаҳр аҳолиси ўз эътиқоди ва хат саводидан маҳрум бўлиб, ислом динини қабул қилишга, шариат аҳкомларини бажаришга, шунингдек араб тили ва ёзувини ўрганишга мажбур бўлди. Кўп вақт ўтмай эътиқодли Мовароуннаҳр халқи ўзларига бутунлай ёт араб имлосида хат-савод чиқаришга киришади. IX-асрдан бошлаб масжид, мактаб ва мадрасалар илм-маърифат марказига айлана бошлади.

Бирок, шуниси эътиборлики, Мовароуннаҳр аҳолисини мураккаб араб имлосини ўзлаштириб, хат-саводли бўлиши ва араб тилини мукамал ўрганиб, бу тилда асарлар ярата оладиган олим ва мутафаккирларни ерли халқ орасидан етишиб чиқиши учун бир юз эллик йил, яъни уч авлоднинг умри сарф бўлди.

Бу даврда халқимиз орасидан энг буюк қомусий алломалар етишиб чиқди. Хоразмий ва Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғариёй, аз-Замаҳшарий, Қозизода Румий, Улуғбек Али Қушчи сингари қомусий олимлар, ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, ал-Мотурудий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби шаръий илм даҳолари, Азизиддин Насафий ва Бурхониддин Марғиноний каби файласуф ва ҳуқуқшунослар шунингдек, Рудакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Фирдавсий, Жомий ва Навоий каби улуғ шоирлар, бошқа кўплаб атоқли алломалар-тиббиёт, тарих, география, риёзиёт, хандаса, фалакиёт ва бошқа илм аҳллари, буюк меъморлар, мусаввирлар, хаттотлар етишиб чиқдилар.

Мовароуннаҳр аҳолиси ислом динига ўтганидан кейин биринчи чиққан қомусий олим Муҳаммад ибн Мўсо ал-Хоразмий (780-850) дир. Хоразмий тўлиқ айтиш мумкинки, инсониятни ҳозирги формал математик тафаккур тарзига ўргатган кишидир. У

<sup>1</sup> Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов «Ватан тарихи», Андижон 1995 151-бет

арифметикани тубдан ислох қилди. Алгебра фанига асос солди, бутун дунёда қўлланилаётган, араб рақамларини 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0 – фанга киритди. Ўнлик тартибини жорий қилди. Хоразмий исмидан нафақат «алгоритм» атамаси ясалган, шунингдек, унинг асари номидан «алгебра» тушунчаси ҳосил бўлган. Хоразмийгача айрим алгебрик масалалар ва уларнинг ечими мавжуд бўлсада, алгебра яхлит тизимга келтирилган фан сифатида шаклланмаган эди. Хоразмийгача ҳинд математикасида рақамларнинг бирлик ва ўнлик тартибининг айрим унсурлари бўлган. Хоразмий уларни тубдан қайта ишлаб, янги система яратди.

Яна бир даҳо-Аҳмад Фарғоний бўлиб, унинг турли кашфиётлари ўз замонаси учун мукамал эди. Нил сувини ўлчаш бўйича бунёд этган қурилмаси 1967 йили Асвон тўғони қурилгунча Миср халқига ўн бир аср давомида амалий хизмат қилди.

Улуғ мутафаккирлардан яна бири Абу Наср Форобий эди. У нафақат ислом шарқининг, балки Ғарбнинг ҳам Арастудан кейинги «иккинчи муаллими» ҳисобланади.

Форобий фалсафа ва умуман жамиятшунослик илмини янги ғоялар билан бойитди. У фалсафа, ахлоқ, риёзат, жамиятшунослик ва табиатшунослик илмлари билан бир қаторда мусика назариясига, мусикани ёзиб олиш илмига ҳам бекиёс улуш қўшган.

Улуғ мутафаккирлардан яна бири Абу Райҳон Беруний (973-1048) эди. У фалакиёт, география, математика ва тарих бўйича 154 та илмий асар ёзган. Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Геодезия», «Ҳиндистон» каби асарлари шулар жумласидандир. Ҳамюртимиз ўзининг астрономияга оид асарларида Николай Коперникдан қарийб беш аср муқаддам ернинг қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрни ўрта асрларда биринчи бўлиб илгари сурди. Ернинг думалок шаклда эканлигини асослаб берди ва дунёнинг географик харитасини тузди.

«Ҳиндистон» ва «Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар» номли китоблари Абу Райҳон Берунийга фан оламида катта шухрат келтирган. Буюк аллома ўзининг «Ҳиндистон» асарида, бу ўлканинг географияси, аҳолисининг мифологик тасаввурлари ҳақида маълумот берган.

Иккинчи китобида эса, римликлар, сўғдлар, хоразмликлар, яҳудийлар ва арабларнинг исломгача бўлган урф-одатлари, диний эътиқодлари, математик ва географик тушунчалари тўғрисида қимматли тарихий маълумотларни баён қилган.

Мовароуннахрнинг улуғ мутафаккирларидан бири Абу али Ибн Сино бўлиб, у 980-1037 йилларда яшаб ўтган. Ибн Сино араб ва форс тилларида фаннинг турли соҳалари бўйича 300 дан ортиқ асарлар ёзган. Назм ва насрда қалам юритган. Унинг беш жылдлик «Ал-қонун фит-тиб», «Китоб уш-шифо», «Донишнома», «Саламон ва ибсол», «Рисолат ат-тайр» ва бошқа кўпгина асарлари шулар жумласидандир. Унинг табобатта доир асарларида касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, ташхис қўйиш, муолажа усуллари, доривор ўсимликлар хусусиятлари, парҳез, инсон саломатлиги учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти каби табобатнинг кўпгина ғоят муҳим масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унинг «Ал қонун фит-тиб» асари XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, то XVII асргача Европа табобатида асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Ўрта асрнинг бу буюк алломаси шарқда «Шайхур-раис», ғарбда эса «Авиценна» номлари билан шуҳрат топди.

Беруний ва Ибн Синонинг ўша даврдаги илм-фаннинг барча соҳаларига қўшган ҳиссаларини баҳолашнинг ўзи қийин. Улар барча даврлар ва барча халқлар орасида комусий деб тан олинган олимлар қаторига киради. Европа олимлари 5 аср давомида Ибн Сино асрлари бўйича тиббиёт мутахассисларини тайёрладилар.

Юксак маданиятли Мовароуннахр аҳолиси исломни қабул қилгач, улар орасидан стишиб чиққан олимларнинг бир қисми ислом илмини ривожлантириш билан шуғуллана бошлади. Ҳадис илмида тан олинган 6 та буюк алломанинг 4 таси Мовароуннахр ва Хуросон фарзандидир. Шулардан ҳам 3 таси Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) Исо ат-Термизий (824-898) Абу Абдурахмон ан-Насоий (830-915) бизнинг бевосита бобокалонимиз бўлади.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар «Ал жоме ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Бухорий» деб аталади ва бу дунё мусулмонларининг 90% учун Қуръондан кейинги энг мўътабар ва асосий манба ҳисобланади. Ал Бухорий, ат-Термизий, ан-Насоий ҳадис тўпламлари ва бошқа асарлари мана салкам 12 асрдан буён бир неча авлоднинг дунёқарани.

ахлоки, имон-этикоди, ҳаётга муносабати-маънавияти шаклланишига бевосита таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ислом илмини ривожлантиришда Бурхониддин Маргиноний, Абдул Ҳасан Хоразмий, Абул Лайс Самарқандий ва бошқалар номи ҳам машҳурдир. Бурхониддин Маргинонийнинг «Ҳидоя-фи-л-фуруз» асари ханафия мазҳаби бўйича ислом ҳуқуқшунослигининг энг теран асарларидан бири сифатида ислом оламида машҳурдир.

Ўз даврида аждодларимиз ислом диний-фалсафий илмини ривожлантиришга ҳам аждодларимиз ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар. Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абул Муъин ан-Насафийлар шулар жумласидандир.

Абу Мансур ал-Мотурудий Самарқандий (870-945) таълимоти Куръон ва Сунна ақидаларини, талаб ва меъёрларини кўр-кўрона эмас, балки ақлан чуқур идрок этиб ўзлаштиришни уларни ғайри мантикий, нооқилона қабул қилмасликни ўргатади. Уларни ғаразли, ноилмий, ўзбошимчалик билан талқин қилишни инкор этади. Унинг инсонда эркин танлаш имкони борлиги, у нима иш қилмасин, ўз ихтиёри билан қилажаги, бинобарин, у ҳар бир яхши ва ёмон иши, ҳаракати учун маъсуллиги тўғрисидаги фикри жуда қимматлидир.

Мотурудийнинг бу фикри ҳар қандай бир ёкламаликка, бировлар иродасига, сўзига кўр-кўрона итоат этиб, ноҳўя ишларга қўл уришига кескин қарши чиқади. Албатта, Мотурудийнинг ушбу фикри ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мотурудийнинг яна бир буюк издоши Нажмиддин ан-Насафийдир. У фикр, ҳадис, тавсир, калом, тил, адабиёт, тарих илмлари бўйича юзга яқин асарлар битган. Унинг «Ақидатун - насафия» номли асарида Мотурудия таълимотини ривожлантирган.

Жамиятнинг тараккий этиши натижасида Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимоти ҳам кенг тарқалди. Бунда Юсуф Ҳамадонийнинг хизмати каттадир. Унинг шоғирдларидан Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Гиждувоний икки тарикатга-Яссавия ва Ҳожагоний тарикатларига асос солдилар. Тасаввуфнинг бошқа бир назариётчиси ва суҳравардия тарикати асосчиси Суҳравардий таълимоти негизида Хоразмда «Кубровия» вужудга келган.

Тасаввуфнинг асослари Аҳмад Яссавийнинг машҳур «Ҳикматлар» асарида баён этилган. Яссавий ўз таълимотида инсон

камолотга тарки ду. Ёчилик орқали шарият йўлида тоат-ибодат қилиб, заҳмат чекиб, машаққатли меҳнат натижасидагина етишиш мумкин, деган ғояни илгари суради.

Тасаввуф таълимотининг яна бир машҳур намоёндаларидан бири XII аср бошларида яшаб ижод қилган Нажмиддин Кубро эди. Унинг «Жамолининг муаттарлари ва камолотнинг эгалари», «Ўнта қонун ва қоидалар» ҳамда бошқа асарларида «тавба» «зухр» (мол дунёдан воз кечиш), «таваккал» (эялоҳ йўлида), «қаноат топиш» ва «ридо» (ҳаққа етишиш) каби ўнта қонун-қоидалар ифодаланган. Кубровия таълимоти таркидунёчиликни рад этади.

Сўфийлик XIV асрда Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида яна ривож топди. Хўжа Баҳоуддин «Ҳаётнома» ва бошқа асарларида инсонларни ҳалол ва пок бўлишга, ўз меҳнати билан қун кечирришга, муҳтожларга хайр-эҳсон беришга, софдил ва камтар бўлишга чакиради. Унинг «дил ба ёру даст ба қор» (Дилинг аллоҳ билан, қўлинг эса меҳнатда бўлсин) деган ҳикмати Нақшбандия таълимотининг моҳиятини ифодалайди.

Исломи дини ахлоқ қоидаларининг асосий қисмини жамиятда, инсонлар ўртасида амалда бўлган умумбашарий ахлоқ меъёрлари ташкил этади. Исломида бировни ва ўзини-ўзи ўлдириш, ёлғончилик, фирибгарлик, ўғрилик, босқинчилик, бировнинг ҳақиқа хиснат қилиш, кайф қиладиган ичимликлар ичиш, кимоф ўйнаш, зино ва бошқалар таъқиқланган. Ёроғга яхшилик қилиш, камбағаллар ва етим-сирларга ёрдам бериш, виждонлилик, инсонийлик ва бошқалар буюрилган.

Исломи динидаги бу каби умуминсоний ахлоқ қоидаларига асосланган талаблар ёш авлодни одобли, ахлокли, илм-маърифатли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган.

Исломи дини вакиллари чоризм истилосига қадар ўлкадаги маориф ишларига ҳам раҳбарлик қилган. Мактабларнинг кўпчилиги шаҳар ва қишлоқлардаги ҳар бир маҳаллада мавжуд бўлган. Мактаб домлалигига шу масжид имоми ёки у рози бўлмаган тақдирда четдан маҳалла катталарининг ташаббуси билан лойиқ одамни топишган. Масалан: Нанай қишлоғидаги аҳоли домлаликка қўшни Тўрақўрғондан шу ердаги мадрасани тамомлаган муллани тақлиф қилишиб, унга йилига йигирма тиллалик буғдой дони беришларини

айтишган. Муллага бу таклиф маъқул бўлсада, йўлнинг узоклиги сабабли бунга кўнмаган<sup>1</sup>

Хонликлар даврида бир канча мактаблар хусусий бўлиб, уларни мактабдор ўз уйида очган. Аммо барча мактаблар болаларнинг ота-оналари маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатган. Мактабдаги таълим-тарбия кўпроқ мактабдорга боғлиқ бўлган, домла хат-саводга мойил бўлса, унинг мактабида хат-савод ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Бу мактабларнинг деярли аксариятида ўқиш ва ёзиш деярли бир вақтда ўргатилмаган. Аввал фақат ўқиш, кейин ёзиш ўргатилган. Амир ва хонликлар даврида раислар ота-оналар болаларини мактабга берган ёки бермаганлигини назорат қилиб турган.

Болалар одатда, мактабни 7-8 йилда битирганлар, айрим ҳолларда 4-5 йилда битирганлар ҳам бўлган. Бу ўз навбатида домлага ва боланинг зехнига боғлиқ бўлган. Мактабни тамомлаган болаларнинг аксарияти одатда мадрасаларда ўқишни давом эттирарди. Мадрасалар мактабдан юқори кўринишдаги маданий марказ бўлиб, улар 3 гуруҳга бўлинган.

1. Хон мадрасалар-хон, унинг оила аъзолари, сарой амалдорлари томонидан бунёд этилган. Бундай мадрасалар, асосан, йирик шаҳарларда қурилган. Масалан: Улуғбек, Тиллакори, Шердор, Барокхон, Моҳлаб ойим, Абдурахмон офтобачи мадрасалари ва бошқалар.

2. Эшон мадрасалар-ислом динидаги тасаввуф тарикатининг диний раҳнамолари бўлган эшонлар, шайхлар, пирлар томонидан қурилган. Буларга мисол тариқасида Тошкентдаги Хўжа Аҳроп Вали мадрасаси, Андижондаги Халфа Азиз эшон, Қўкондаги Ҳасанхўжа эшон мадрасаларини келтиришимиз мумкин.

3. Хусусий мадрасалар-бундайларнинг сони Туркистон ўлкасида кўп бўлиб, улар асосан йирик ер эгалари, бойлар, савдогарлар ва бошқа бадавлат кишилар раҳбарлигида қурилган. Уни аввало, савоб йўлида, яхши ном қолдириш учун ҳам бунёд этганлар.

Ислом дини вакиллари мазкур мадрасалардаги таълим тарбия ишларига ҳам бошчилик қилишган. Мадраса ўқув дастури қуйидаги илмий гуруҳларни ташкил этган:

<sup>1</sup> ЎзРМДА 47 фонд. 1 рўйхат. 333 шп. 0 вариқ.

I. Араб тили: грамматикаси, морфология, синтаксис, арабча нотиклик, Куръоннинг ўқилиши ва илмий мунозара маданияти.

II. Илоҳиёт ва қонуншунослик: Куръон тавсири, ҳадис, фикх, диний ақидалар, меърос тақсимоти ҳақида таълимот, қонуншунослик асослари.

III. Фалсафа: мантик, математика, астрономия, тиб илми, кимё ва табиий фанлар.

Туркистон мадрасаларида ўқитиш икки йўналишда олиб борилган: умумий ва ҳуқуқий билимлар бўлиб, хусусиятига кўра, араб, форс ва узбек тилларида олиб борилган. Хонликлар даврида Туркистондаги барча мадрасаларнинг йирик миқдордаги вақф мулклари бўлган. Улардан келадиган даромадларга асосланиб, мударрис, мутавалли ва бошқа ходимларга маош белгиланган. Шунингдек, талабаларга ҳам йиллик маошдан ташқари буғдой, арпа, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам берилган. Бу билан мадрасалардаги таъмағирликнинг олди олинган.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, 1994 йилги ҳисоб-китобга кўра мадраса мударрисининг бир ойлик даромади ҳозирги пул ҳисобида 100 минг сўмни ташкил этган.

Мадрасада талабаларни ўқиши учун барча шароитлар муҳайс қилинган. Талабаларни қобилиятига қараб уч гуруҳга: аъло, ўрта, паст гуруҳга бўлиб ўқитилган. Ҳар бир талаба учун ўқув дастури шунга мувофиқ тарзда бўлган, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам уларга мос тарзда белгиланган.

Агар талаба кейинги босқичларга ўта олмаган бўлса, яъни ҳозирги тилда айтганда, яқиний назоратдан старли балл-баҳо ололмаган тақдирда унга вазифа бериш тўхтатилган.

Бундан ташқари мадраса талабаси қўйидаги ички тартибларга риоя қилиши зарур эди:

1. Дарс пайтида мадрасада бўлиши ва берилган топшириқни тўла бажариши шарт бўлган.

2. Мадрасадан ташқарида истиқомат қилмаслиги керак эди. (Агар талаба оилали бўлса, унга пайшанба ва якшанба кунлари руҳсат берилган).

3. Мадраса талабасидан шариятга тўғри қилмайдиган ишларни қилмаслик талаб этилган.



Ушбу талабларни уч маротаба бозган талаба мадрасадан четлаштирилган.

Бундан кўриниб турибдики, мадрасадаги ички тартиб-интизомга риоя қилиш қатъий шартлардан бири бўлган. Мазкур мадрасаларда ўқув тарбия ишларини олиб бораётган ислом дини вакиллари меҳнаткаш халқ фарзандларини ахлоқ-одоб, дўстона муносабат, поклик, ҳалоллик, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш билан бирга, кибр-ҳаво, фитна-фасод, ёлгончилик, ватанга хоинлик каби бутун инсониятга зарарли сифатларни қоралар эдилар.

Хонлиқлар даврида мадрасаларда Қуръон, Шариат, мусулмон қонунчилиги асосларини ўқитиш мадрасаларнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, дунёвий фанлар, айниқса, аниқ фанлар тараққиётида бир қадар турғунлик кўзга ташланади. Дунёвий фанлардан адабиёт, тарих, математика, алжабр ва ҳандаса каби фанлар ўқитиларди. XIX асрда Қўқонда 15 та мадраса фаолият кўрсатган бўлса, бошқа шаҳарларда ҳам бир нечта йирик мадрасалар бўлган. Лекин Қўқон хонлигида Бухоро мадрасаларида ўқиб келган кишиларнинг мавқеи анча баланд ҳисобланарди.

Ўрта Осиёда мусулмон руҳонийлари азалдан жамиятда катта қувват эди. Дин арбоблари хон ва амирларнинг асосий маслаҳатчилари бўлиб давлатнинг сиёсий, ҳўжалик ва ахлоқий масалалари счимига анчагина таъсир кўрсатган. Масалан: XV-XVI асрларда Накшбандия тариқатининг раҳбарлари Хўжа Аҳрор Валий ва унинг авлодлари, Жўйбор шайхлари шулар жумласидандир. Бу авлодлар вакиллари ўз даврида шайхулислом, қозикалон, муфтий каби давлатнинг юқори лавозимларини эгаллаганлар.

Хонлиқларнинг турли шаҳар ва қишлоқларида қозилар, имомлар, хатиблар, шайхлар ислом динининг машҳур арбоблари ҳисобланган. Диний унвонларга эга бўлган ва ҳар хил лавозимларни эгаллаган шахслар билан бир қаторда азиз-авлиё ҳисобланган айрим авлодлар гуруҳи ҳам бўлганки, улар диний ҳаётда муҳим ўрин тутишган. Муҳаммад пайғамбар авлоди ҳисобланган сайидлар шулар жумласидандир. Улар алоҳида табақа сифатида ажралиб, давлат томонидан таъминлаб турилган, халқ орасида ҳам алоҳида мавқега эга бўлган. Ўзбекистонда улар тўралар деб аталган.

Ислолда сайидлардан кейин турадиган оқсуяк табақа хўжалар ҳисобланади. Хўжаларнинг келиб чикиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Шулардан бири ва асосийси шуки, хўжалар дастлабки тўрт халифа – чорёрлар – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) таркалган авлод дейилади. Хўжалар Ўрта Осиёда сайидлар каби айрим имтиёзларга ва катта нуфузга эга бўлганлар. Жуда катта ер майдонларига ҳамда кўплаб кўчмас мулкларга эгалик қилганлар. Хўжа Ахрор Валий ва унинг авлодлари бунга мисол бўла олади. Ўрта Осиёда нисбатан кам бўлсада, халқ орасида катта мавқега эга бўлган эшонлар, дарвешлик ва сўфийлик оқимларида диний раҳнамолар ҳисобланишган. Улар баъзан пир деб ҳам аталган ва ўзларининг кўплаб муридларига эга бўлганлар. Эшонларнинг таъсири айниқса кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбеклар орасида кучли бўлган ва уларнинг муридлари кўп бўлган.

Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар мусулмон руҳонийлари давлатни бошқариш ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Хонликлар даврида қуйидаги диний унвон ва мансаблар мавжуд бўлиб, булар: Шайхулислом, Қозикалон, Накиб, Қози аскар, Аълам, Муфтий, Раис, Мударрис, Имом, Муаззин. Бундан ташқари мусулмон руҳонийлари суд ишларига ҳам бошчилик қилишган. Жиноятни аниқлашда ва жазо белгилашда шариат қонунлари ва асрлардан-асрларга ўтиб кслаган одоб-ахлоқ қоидалари асосий мезон бўлиб хизмат қилган. Фуқаролик ва жиноий ишларнинг барчасини қозилар кўриб чиққан. Қозига оғзаки ёки ёзма равишда ариза тушгандан сўнг, айбдорлар қози ҳузурига чақирилган. Икки кишининг гувоҳлиги айбдорни аниқлашда старли эди. Гувоҳликка фақат намоз ўқийдиган, шариат қонун-қоидаларига риоя қиладиган, ҳалол кишиларгина ўтиши мумкин бўлган. Айбдорларнинг айбига қараб жарима солиш, тан жазоси бериш, зиндонга ташлаш, сазойи қилишдан тортиб, ўлимга маҳкум этишгача бўлган жазо чоралари қўлланилган. Масалан: Кимки харидор ҳаққига хиёнат қилса, каттиқ жазога дучор этиларди. Хусусан, бундайлар ярим яланғоч ҳолда аравада бозорларда намойиш қилиш учун сазойи қилинарди, овози борича: «Мен шайтон йўлига кириб, харидорни алдадим», деб жар солишга мажбур этиларди<sup>1</sup>. Бозор айланиб

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 2000, 102 бет.



чикилгунча дарра билан уриш борилади. Бозорларда деярли ўғрилар бўлмас эди. Агар, кимки биринчи марта ўғирлик қилиб қўлга тушса, унинг чап кўли иккинчисига ва ўн кўли кесиб ташланар эди ва бундай жазо халқ куз унгида аманга ошириларди. Шунинг учун ҳам хонликлар даврида бозор дарвозалари, раста ва хонадон эшикларига қўлф солишмасди.

Бозорлар ва хонадонлар эшикларига қўлф олиш асосан, Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин вужудга келган.

Қози ҳукмидан норози бўлганлар қози қалон ёки амирга ариза беришга ҳақли эди. Қози чиқарган ҳукми қози қалон, унинг ҳукмини эса, фақат амир бекор қилиши мумкин бўлган. Суд ишларида аълам, муфтий каби диний мансаб эгалари ҳам катта рол ўйнаганлар. Одатда ҳар бир айбдордан ёки унинг оила аъзоларидан белгиланган жазодан ташқари каттагина жарима ҳам ундириб олинарди. Масалан, Бухоро амирлигида арок сотганлиги учун айбдор деб топилган маҳаллий яҳудийга 60 дарра урилиб, унинг оиласидан 150 тилло жарима ундириб олинганлигини келтириш мумкин.

Дин намоёндалари – эшон, сайид, қози, имом, хатиб ва бошқалар аҳоли билан узвий алоқада бўлиб уларга ўз таъсирларини ўтказганлар ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этганлар.

Туркиястон ўлкасининг шаҳар ва кишлоқларидаги маҳаллалар масжидларининг имоми диний ташвиқот ишларида ва аҳолининг кундалик ҳаётида ётақчи ролни ўйнаган. Маҳалла имоми шариат қонун-қоидаларини яхши биладиган, Қуръондаги оятларни ва ҳадисларни шарҳлай оладиган юқори bilim эгаси бўлган. У маҳалла аҳолининг ҳук-атвори шариат қўрсатмаларини қандай бажараётганлигини кузатиб борар ва ҳатта риоя қилмаганларни жамоат олдида айбларди. Шунингдек у маҳалладошларининг «иссик ва совуқ» маросимларида иштирок этарди.

Имомнинг фаолияти фақат диний маросимларни бажариш билан чекланмаган. У одатда маҳалла мактабининг домласи ҳам бўлган. Шунингдек, имом ҳамкишюкларининг турмушидаги муаммоларни ҳал қилишда маслаҳатчи ҳам эди. Халқ оmmasи имомларни эъзозлаган ва улар ортидан эргашган.

Шундай қилиб, хонликлар даврида Шайхулислом, Қози калон, Накиб, Қози аскар, Аълам, Муфтий, Раис, Имом, Мударрис каби диний унвоҳ ва мансаблар бўлган. Ислом дини вакиллари хонлар ва амирларнинг яқин маслаҳатчилари бўлиш билан бирга ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларни ҳал этишда ҳукмдорларга яқиндан ёрдам берганлар.

## **Чоризм истилосидан кейин ислом динининг аҳволи**

Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан истило қилингандан кейин босқинчилар ўлкада ўзларининг мустамлакачилик ва талончилик сиёсатини юрита бошладилар.

Чор ҳукумати Туркистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб ривожланиши билан қизиқмас, ўлкага асосан рус саноати учун зарур бўлган пахта, ипак, қорақўл ва бошқа хом ашёларни етказиб берувчи манба сифатида қарар эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар ўзларининг асосий диққат эътиборини аввало ўлканинг маъмурий тузилиши режасини ишлаб чиқишга қаратди.

Чоризмнинг Туркистон ўлкасини маъмурий тузилиши ва уни бошқариш режасини ишлаб чиқишида ҳам анча қизғин мунозаралар бўлган. Баъзи бир амалдорлар французларнинг Тунис ва Жазоирдаги босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсати усулини қўллаш керак, деган ғояни илгари сурган бўлсалар, бошқалари бу йўлни инкор этганлар. Жумладан, чор ҳукуматининг кўзга кўринган амалдори Абаза бу масалада шундай деган эди: «Французларнинг тажрибаси ҳозирги замон таракқиётидан четда турган Туркистон ўлкасининг ярим ёввойи халқлари учун тўғри келмайдиган ва ҳаддан ташқари либерал сиёсатдир».<sup>1</sup>

Чор ҳукуматининг амалдорларида Туркистондаги пахтачиликни ривожлантириш масаласида икки хил фикр мавжуд эди. Биринчи фикр тарафдорлари таклифига кўра суғорилаётган пахта етиштиришни кўпайтириш лозим эди. Бунинг учун эса, ғалла ва бошқа экин экиладиган ер майдонлари қисқартирилиб, улар ўрнига ҳам пахтанинг кўп экилиши кўзда тутилганди. Бундай қилинса, факат

<sup>1</sup> Ўз РМДА: 2282 фонд. 1-руйхат. 128 ш. 37 ыарак

Туркистон пахтасидан эмас, балки Россия ғалласини ўлкага келтириб сотишдан ҳам даромад олинарди. Бунинг устига, ўлкада пахтачиликнинг ривожлантирилиши Россияни америка пахтасига бўлган карамликдан озод қилиб, сарфланаётган миллионлаб сўмларни тежаш имконини берарди.

Иккинчи фикр тарафдорлари эса, пахтачиликни кенг қўламда ривожлантиришни янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига юқори поғонага кўтариш таклифини илгари сурганлар. Аммо бу таклиф деярли инobatга олинмаган.

Бу ерда шунини таъкидлаб ўтишимизга тўғри келадики, иккинчи таклиф шўро ҳокимияти томонидан кенг миқёсда амалга оширилган. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардаги ерлар кенг миқёсда ўзлаштирилди. Бунинг оқибатида Орол денгизи сатҳи 1960 йиллардан бошлаб аста-секинлик билан пасайиб борди. Охиروқибатда ҳозирги куннинг глобал муаммоларидан бири бўлган Орол муаммоси шўролар давлатидан бизга мерос бўлиб қолди.

Юқоридаги фикрларни инobatга олган генерал-губернаторлиги маъмурияти Туркистон ўлкасида бошқача йўлни тутди, яъни ўлка халқларини қул қилиб олиш борасида ўзининг янгича бошқарув усулини яратишга қарор қилди. Бунинг учун эса Англия, Франция, Германия каби давлатларининг босқинчилик ва талончилик сиёсатини мукамал ўрганиб чиқишга қарор қилди. Шунинг учун ҳам 1869 йилнинг май ойида Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфманнинг буйруғига биноан штабс-капитан Комаров, Петербургга кутубхона ва олий ўқув юртларида ишлаш учун юборилди. Бу ерда у Ўрта Осиё ва мусулмон давлатлари халқларининг ерга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини ўрганди. Комаров бу ҳақидаги маълумотларни 1870 йили Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятига топширди.

1873 йили мусулмон мамлакатларидаги ер масалалари бўйича гарб шарқшунослари билан фикр алмашиш учун генерал Абрамов Женевага юборилди. 1874 йили эса капитан А.Н.Куропаткин Жазоирга бориб, французларнинг 1870-1871 йилларда олиб борган босқинчилик сиёсатини батафсил ўрганиб чиқди. Куропаткин ўзининг ҳисоботида Жазоирдаги француз губернатори Геданнинг қуйидаги фикрларини алоҳида таъкидлаб ўтди: «Ерларнинг маҳаллий халқ

кўлидан европаликларга ўтиши осонлик билан амалга оширилган тақдирдагина мустамлакачиликнинг муваффақияти таъминланади»<sup>1</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлиги бундай тадбирлар билан чекланиб қолмай Россиянинг марказий шаҳарларидан йирик шарқшунос олимларни ва шарқшунослик факультети талабаларини ҳам Туркистон ўлкасига таклиф этди.

Ўлкага бундай олим ва талабалар таклиф этилгани билан барча масалалар бу шарқшунослар томонидан ҳам босқинчилик нуктаи назаридан туриб, чор Россияси манфаатларини ҳимоя қилгани ҳолда ёритиб берилди. Чунки, босқинчи генераллар шарқшуносларни ҳам бунга мажбур этган эдилар. Масалан, Туркистон ҳарбий округининг бошлиғи генерал-лейтенант Мациевский томонидан шарқшунослик жамиятига юборилган хатда шундай дейилган эди: «Жамият Туркистондаги барча масалаларни илм-фан учун ҳам, шарқ учун ҳам эмас, балки Россия нуктаи-назаридан туриб, бу халқларни руслаштириш мақсадида ўрганмоғи зарур»<sup>2</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, Туркистонга олиб келинган рус шарқшуносларига ҳам генерал-губернаторлик доимо ўз таъсирини ўтказиб келган.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимизга тўғри келадики, бу билан биз рус шарқшунос олимларининг нафақат Ўзбекистон балки, Марказий Осиё халқлари тарихига қўшган ҳиссаларини инкор қилмоқчи ҳам эмасмиз.

Чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсати хусусида мактаб ва мадрасалар инспектори бўлиб ишлаган В.П.Наливкин ҳам шундай деган эди: «Биз кўриб турибмизки, 1870 йилдан бошлаб зўр бериб Туркистон ўлкасини бошқаришнинг батафсил ишлаб чиқилган лойиҳасини яратишга ҳаракат қилинмоқда. Юқори ҳукуматнинг таъкидлашича бу кўпгина масалаларни, яъни илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, вақф, ер, сув ҳамда бошқаларни қонун асосида ҳал этишга ёрдам берар эмиш. Бунга Туркистон ўлкаси кута-кута 1886 йилдагина эришди. Бунга қадар бу масалалар назарий ва қисман амалий жиҳатдан ўзининг аввалги ҳолида бўлиб, улар давлат томонидан назорат қилинмас эди».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Савицкий А. П. «Полемельный вопрос в Туркестане». Ташкент, 1963.

<sup>2</sup> За РМ. А: 2282 фонд, 1-руйхат, 128-шп., 37-варақ.

<sup>3</sup> За РМ. А: 1 фонд, 12-руйхат, 79-шп., 11-варақ.

Аслида эса Туркистон ўлкасидаги таълим-тарбия, суд ҳамда бошқа ишлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, чор Россиясининг олиб бораётган bosкинчилик, талончилик ва мазкур муассасаларга ўтказётган тазйики туфайли бу маҳкамаларнинг ишлари издан чикмокда эди

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олинган дастлабки вақтларда bosкинчилар ўлкадаги кишлок хўжалигининг аҳволи, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, маориф соҳасидаги ишлар, ҳамда ислом динининг ўлкада тутган ўрни ва бошқа бошқарувга оид маълумотларга тўла эга эмасди. Бу эса ўлкани мустамлакага айлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Мана шу омилларни ҳисобга олган Россия императори Александр II Туркистон ўлкасининг 1867-1881 йиллардаги биринчи генерал-губернатори бўлган Фон Кауфманга чекланмаган ҳақ-ҳуқуқларни берган. Генерал-губернатор эса бу имкониятлардан жуда кенг фойдаланган.

Туркистон халқи истеҳзо билан «ярим подшо» деб атаган К.П.Кауфман мустақил равишда уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва бошқа қўлаб ваколатларга эга бўлди. Кауфман аввало Туркистон заминидаги хунрезликларни никоблаш мақсадида найрангбозлик йўлига ўтди. У рус давлати мақсадини мустаҳкамлаш ва Туркистон ўлкасидаги фожиаларни ҳасил қилиш мақсадида бир гуруҳ рус давлатига содиқ туб аҳоли вакиллари марказий ҳукумат билан келишган ҳолда Петербургга юборди.

1867 йили Петербургга етиб келган Туркистон вакиллари дабдаба ва иззат-икром билан кутиб олинди. Улар асосан, ҳукумат вазириликларида, император саройида, фанлар академиясида, музейларда, Петропавловск қалъасида, фабрика ва заводларда, театр ва циркда, касалхоналарда, император боғида ҳамда Петербургнинг бошқа диққатга сазовор жойларида бўлдилар. Бундай «меҳмондўстлик»нинг асосий мақсади Россия давлатининг қудратини уларга намойиш қилиш эди<sup>1</sup>.

Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман томонидан юборилган вакилларни, ҳатто подшо Александр II нинг ўзи ҳам қабул

килган. Вақилда учрашув чоғида Туркистон аҳолисининг рус давлати тобелигига олинганидан хурсандлигини, ўлканинг императорга абадий содиқлигини изхор этувчи мактубни топширганлар. Бу мактубга Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Чимкент ва бошқа ерларнинг оксоқолларидан 59 киши имзо чекиб, муҳр босган эди. Муртадлиқ<sup>1</sup> ва соткинликдан иборат «вазифа»ни адо этган Туркистон «вакиллари»нинг аслида Ватан ва халқ иродасини ифодалашга маънавий ҳуқуқлари йўқ эди<sup>1</sup>. Чунки, бу вақтда Қўқон, Бухоро, Хива хонлигидаги ватанпарварлар босқинчиларга қарши мардонавор курашаётган эдилар. Босқинчилар бу тadbир орқали гўё Туркистон аҳолиси ўз «ихтиёри ва хоҳиши» билан рус давлати фуқаролигига ўтганлигини жаҳонга намойиш қилишга уринган эди. Чор ҳукуматининг бу қаллоблигини шўро ҳокимияти ҳам ҳеч иккиланмай давом эттирган. Шўролар даврида ёзилган Ўзбекистон ССР тарихи дарсликларида ушбу мавзу «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ва унинг прогрессив аҳамияти» деб номланди. Оқибатда ушбу ёлғон орқали бир неча авлоднинг онги узок йиллар давомида захарлаб келинди.

Юқоридаги тadbирдан кейин генерал-губернатор К.П.Кауфман 1868 йилнинг 3 январида ҳарбий округ кенгашининг аъзоси полковник Николаевга Туркистон ўлкасидаги ер масаласини ўрганиб чиқишни топширди. Полковник Николаев Туркистондаги давлатнинг, кўчмачи ва ўтроқ халқларнинг ерга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини муқаммал ўрганиб чиқиб, ўзининг ҳисоботини 1869 йилнинг 11 <sup>клар</sup>августида Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасига топширди. Полковник Николаевнинг ҳисоботида Туркистон ўлкасидаги маҳаллий аҳолининг ерга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини ва мазкур ерларни шариат қонун-қоидалари асосида бошқарилиши ҳам кўрсатиб ўтилганди.

Туркистон ўлкасидаги ер тўғрисидаги масалани полковник Николаев билан бир вақтда шарқшунос А.Кун ва штабс капитан Комаров ҳам ўрганиб чиққан эдилар<sup>2</sup>. Ушбу ҳисоботлар билан батафсил танишиб чиққан Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси К. П. Кауфманга ер тўғрисидаги масалани қайта кўрувчи

<sup>1</sup> Туркистон чор Россияи мустамлакачилиги даврида. Тошкент-2000. 101-102-бетлар  
<sup>2</sup> Савинский А. И. «Поземельный вопрос в Туркестане». Тошкент-1963. 82-бет



махсус комиссия тузишни таклиф этди. Демак, бундан кўриниб турибдики, юқоридаги комиссиянинг хисоботлари мустамлакачиларни тўла қониқтирмаган.

Шунинг учун ҳам 1869 йилнинг 6 октябрида Туркистон генерал – губернаторлиги девонхонаси бошлиғи майор Гомзин раҳбарлигидаги комиссия ўз ишини бошлади. Мазкур комиссия давлатни ва маҳаллий аҳолини ерга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини ҳамда диний маҳкамалар фаолиятини ҳам ўрганишга киришди. Комиссия ўзининг хисоботида вақф ерларидан олинган даромадлар ҳисобига ўлкадаги мадраса ва мактаблар ҳам таъминлаб, таъмирлаб турилишини алоҳида кўрсатиб ўтган.

Мана шундан кейин генерал-губернатор фон Кауфман Тошкентда тайёрланган лойиҳани 1871 йили Россия империяси ҳарбий вазирлигига тақдим этди. Лекин бу лойиҳа ҳам подшо маъмурияти томонидан қаттиқ танқид қилиниб, унинг бир қатор камчиликлари кўрсатилди. Шунинг учун ҳам генерал Кауфман бу лойиҳани қайтариб олишга мажбур бўлган.

Тошкентга келган генерал-губернатор Кауфман Зарафшон округининг бошлиғи генерал-майор Абрамов раҳбарлигида янги комиссия тузди. Мазкур комиссия аввал тайёрланган лойиҳаларнинг ҳаммасини қайтадан кўриб чиқди. Бунида Туркистон ўлкасидаги барча масалалар, яъни ер, солиқ, соғлиқни сақлаш, ер ости ва усти бойликларидан фойдаланиш, тиббиёт, маориф, вақф мулклари, суд ишлари ва бошқа масалаларни ҳам ўз ичига олганди.

Абрамов раҳбарлигида тайёрланган лойиҳада чор Россиясининг мустамлакачилик ва талончилик сиёсати янада ошқора тарзда баён этилди. Мазкур лойиҳада ерга эгалик қилишнинг вақф тури деярли йўқ қилинди.

Солиқ сиёсатида бу яна ҳам кескинроқ тус олди. Шундай қилиб талончилик мақсадларини қўзлаб тайёрланган лойиҳа 1872 йилнинг охирида генерал-губернаторлик девонхонасига топширилди.

1873 йили Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ўзи бошчилигида генерал-лейтенант Меллаковский, генерал майорлар: Абрамов, Головачев ва Гомзин ҳамда полковник Новосичлардан иборат бўлган янги комиссияни тузди.

Генерал Кауфман раҳбарлигидаги ушбу комиссия ҳам Туркистон халқини ва ўлкадаги ислом дини вакиллари­нинг ҳақ-ҳуқуқларини янада чеклади, яъни вақф маҳкамаларига ўз ерларида истикомат қилаётган аҳолидан солиқ йиғиштириб олишни таъқиқлади. Бундан ташқари босқинчилар мадрасалар қуришни, ўз мол-мулкларини бу муассасаларга вақф қилишни ҳам таъқиқладилар. Бунинг учун эса мустамлакачи ҳукуматнинг махсус рухсатномаси бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, ўтган асрнинг бошларига қадар Туркистон ўлкасидаги кўплаб қишлоқлар, мактаб, мадраса ва масжидларга «вақф» қилинган бўлиб, бу ерларда маҳаллий аҳоли истикомат қилишига қарамай олинган солиқ давлатга эмас, балки вақф маҳкамасига тегишли эди

Агар Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олингунга қадар бўлган тарихимизга яхшироқ эътибор берадиган бўлсак, ўлка аҳолиси ўз эҳтиёжидан ортиқча бўлган ерларни, савдо расталари, тегирмон, карвонсарой ва бошқа кўчмас мол-мулкларини аввало мактаб ҳамда мадрасаларга савоб тариқасида инъом қилган. Бу билан илм аҳллари­ни қўллаб-қувватлаб турган. Шунингдек, ҳадислардаги «Бешиқдан то қабрга қадар илм ол», - деган ҳикматли сўзларга амал қилган.

Генерал-губернатор Кауфман томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳасини тайёрлаш 1881 йилга қадар давом этган ва шундан кейингина бу лойиҳа марказий ҳукуматга топширилган. Аммо Петербургдаги ҳарбий, молия, ташқи ишлар ва бошқа бир қатор вазирликлардаги амалдорларга бу лойиҳа ҳам маъқул келмайди. Бунга сабаб, уларнинг назарида Туркистон генерал-губернаторлиги ўлка халқига катта имтиёзлар бераётгандек бўлиб кўринди. Шунинг учун ҳам 1881 йилдан 1886 йилга қадар ушбу лойиҳа Петербургда қайта ишлаб чиқилади. Шундан кейин 1886 йилнинг 12 июнида подшо Александр II «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомга имзо чеккан.

Энди чор ҳукуматининг ислом динига бўлган муносабати масаласига келсак. Бу муносабатлар асосан XVIII асрдан, яъни подшо Россияси ислом динига эътиқод қилувчи халқлар ерларини ўз мустамлакасига айлан­тирган даврдан бошланган. Босқинчилар аввало

мазкур ерларда ўзлари учун маъқул бўлган диний тартибдаги бошқарувни жорий этган эди. Жумладан, 1788 йилнинг 22 сентябрида Уфа шаҳрида «Оренбург» - диний бошқармасини, 1831 йилнинг 23 декабрида эса «Таврия» диний бошқармасини ташкил этган бўлса, 1872 йилга келиб Кавказ орғида яшовчи мусулмонлар учун шундай диний бошқармани ҳам ташкил этганди.<sup>1</sup>

Албатта бу диний маҳкамалар ташкил этилгани билан улар бевосита чор ҳукуматининг доимо қаттиқ назорати остида эди. Энди босқинчиларнинг Туркистон ўлкасини истило қилиб олаётган вақтдаги ислом динининг аҳволига эътибор берадиган бўлсак, аввало босқинчилар ўлкада қатъий тартибда системалаштирилган ислом дини билан тўқнашдилар. Буни Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори генерал фон Кауфман ҳам императорга ёзган ҳисоботида таъкидлаб ўтган эди: «Албатта, бу давлатлар тепасида амир ва хонлар тургани билан давлатни бошқариш ишларида ислом дини вакиллари етакчи ролини ўйнайди. Шу билан бир қаторда фан, маориф ва суд соҳасидаги ишлар ҳам уларнинг қўлидадир»<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинаётган бир вақтда босқинчилик урушлари олиб борилаётгани сабабли Туркистон ўлкасидаги диний ишларни назорат қилишни Оренбург диний бошқармаси зиммасига юкланди ва бу назорат 1880 йилга қадар давом этди. Лекин шундай бўлишига қарамай чор ҳукумати босқинчиликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ислом динига нисбатан душманлик кайфиятида бўлди. Тошкент, Жиззах, Самарқанд каби шаҳарлардаги мактаб, мадраса, масжидларнинг вақф мулклари босқинчилар томонидан тортиб олинди. Бунинг учун эса турли хилдаги баҳоналар рўқач қилиб кўрсатиларди. Масалан, шаҳарнинг киёфасини бузмоқда, йўллар ўтказилиши, керак, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида жойлашган ва х.к.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин. Тошкент чор Россияси қўшинлари томонидан босиб олинганидан сўнг Кўкалдош мадрасасига тегишли 69 та савдо растаси генерал Черняев буйруғига биноан бузиб ташланди.

<sup>1</sup> Рыбаков С.Г. «Устройство и нужды управления духовными делами мусульман в России». С.Петербург 1917 17-бет.

<sup>2</sup> Ўз РМДА: 30 фонд, 1 рўйхат, 2300 ш, 24 ырақ.

1869 йилнинг 16 январида Туркистон генерал-губернаторининг 157 сонли қарорига мувофиқ ҳар қандай ерга тегишли бўлган хужжатларни йиғиштириб олишни Савенков раҳбарлигидаги комиссияга топширилди. 1869 йилнинг 28 мартда эса Тошкентдаги Назарбой вақф мулклари шаҳар ҳокими Российский буйруғи билан Тошкент хўжалик ишлари бошқармасига олиб берилган<sup>1</sup>.

1872 йилга келиб Тошкентдаги Хўжа Аҳрорнинг Дархон ва Окқўрғон ариқлари оралигидаги ерлари bosкинчилар армияси солдатларига томорқа сифатида бўлиб берилган. Хўжа Аҳрорнинг Тошкентнинг Шайховандатоҳур қисмидаги ерлари эса «обсерватория ва ғишт заводи қуриш учун» тортиб олинган<sup>2</sup>.

1868 йили Самарқанд шаҳри чор Россияси қўшинлари томонидан босиб олингандан кейин шаҳар ичидаги мадрасалардан бирига рус солдатлари жойлаштирилган бўлса, масжидларни «Рота ва батарея» омборларига айлантирилди. Яна биттасига эса округ бошлиғи жойлаштирилди<sup>3</sup>.

Улуғбек мадрасасининг бозор ичидаги йилга 600 сўм фойда келтираётган вақф мулки ҳам мустамлакачи давлат фойдасига тортиб олинади.

1872 йили Самарқанддаги Юсуфбой мадрасаси ва унинг 22 та хужраси, 470 таноб ери тортиб олиниб, шаҳар касалхонасига айлантирилди. Туркистон ўлкасини босиб олишда бошланган бу сиёсат кейинчалик бошқа генерал-губернаторлар даврида ҳам давом эттирилди.

Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олинаётган вақтда маҳаллий аҳоли билан бирга мадрасаларнинг талабалари ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатган эдилар. Фикримизни далили сифатида қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. 1865 йилда Тошкентдаги чор ҳукумати bosкинига қарши ҳаракатнинг фаол қатнашчилари «Хўжа Аҳрор» мадрасасининг талабалари бўлиб, уларга Тошкент бозорларида бир қанча қарвонсаройлари бўлган Солиҳбек шахсан бошчилик қилган эди.

<sup>1</sup> Ҳа РМДА: 36-фонд, 1-руйхат, 170-шп., 228-варақ.

<sup>2</sup> Ҳа РМДА: 1-фонд, 12-руйхат, 884-шп., 158-варақ.

<sup>3</sup> Л. Н. Сиболов. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе. С. Петербург-1874. 169-бет.

Самарқанддаги 1868 йилдаги кўзғолонда «Шердор» ва «Тиллакори» мадрасасининг муллалари қатнашган бўлиб, улар хоин Самарқанд беги томонидан қатл этилганди<sup>1</sup>.

Вилоятлар ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқларининг мусулмон руҳонийлари ва мусулмон ўқув юртлари-мактаблар, мадрасалар ва шу кабиларга нисбатан ниҳоятда мнсимай муносабатда бўлишлари мусулмонларнинг аксарият қисмида норозилик уйғотарди. Лекин хушёр ва уста сиёсатчи, Туркистон ҳарбий мустамлакачилик маъмуриятининг ташкилотчиси, ўлканин биринчи генерал-губернатори бўлган К. П. Кауфман мусулмон аҳолисининг ривожланиш даражаси, маданий мероси ва маънавий олами фақат ислом шариатига эмас, шу билан бирга, бой дунёвий билимларга ҳам асосланганлиги, бу билимлар пойдеворини шу заминда етишиб чиққан Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Улугбек, Ал Фаргоний ва бошқа кўплаб мутафаккир олимлар яратиб кетганлигини империянинг бошқа кўпгина амалдорларидан кўра яхшироқ тушунарди. Шунингдек, Туркистондаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятини ҳам XVI-XVII асрлардаги Волгабўйи маҳаллий аҳолисининг ислом динига кириши ва ижтимоий ривожланиши даражаси билан мутлақо қиёслаб бўлмасди. Кауфман ислом динига эътиқод қилувчи аҳолини мажбуран христианликка киритишга қарши эътирозларини ўзига хос тарзда асослаб берди. 1868 йил январ ойида у православ миссионерлари бошлиғига: «Туркистон ўлкасининг аҳолиси христианликни қабул қилиши учун ҳали вақт етилган эмас. Христиан динини ҳозирги вақтда тарғиб қилиш яхши натижалар бермайди, аксинча, маҳаллий халқни биздан узоқлаштирадиган бу тадбир ишимизга бутунлай зарар келтириб, эшлаш қийин бўлган мушкулликларни вужудга келтириши мумкин, холос»<sup>2</sup>, деб ёзган эди.

Кауфман исломга қарши нуқтан назарда турган бўлса ҳам, мусулмон диний таълимоти ва шариатнинг, мусулмон руҳонийларининг аъъанавий ўқув юртларининг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини тушуниб етган ҳолда, империя вазирлари ва мафкурачиларнинг қарашларига зид ўлароқ, ислом динининг ролини аста-секин заифлаштириб бориш, айти вақтда, ўлкадаги мусулмон халқларни

<sup>1</sup> ФАРМ/ДА: 2282 фонд, 1 рўйхат, 194 шп., 157 вариқ.

<sup>2</sup> К открытию памятника генерал-адъютанту К. П. Кауфману как устройтеля Туркестанского края. Тошкент-1913. 67-71-бет.

тарихий-маданий мерос ва маданий мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум этишнинг бошқача-сиёсий, маъмурий усулларини ишлаб чиқди. Бу усуллар асосида унинг ўзи ва кейинги барча генерал-губернаторлари жуда хилма-хил мустамлакачилик ва шовинистик чора-тадбирларни амалга оширдилар.

Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олинган дастлабки кезларда ислом дини вакилларини итоат эттириш босқинчиларга унчалик қийин иш эмасдек бўлиб кўринганди. Аммо Фарғона водийсининг истило қилиниши эса босқинчиларни ислом дини билан мустаҳкам алоқада бўлган «ўтроқ» аҳоли билан тўқнаштирди.

Кауфмандан бошлаб барча генерал-губернаторлар, вилоят ва уездларнинг бошлиқлари мусулмон руҳонийларнинг итоатсиз вакилларини қаттиққўллик билан жазога тортиб келдилар. 1876 йили генерал Скобелев ва унинг шаҳардаги зобитлари маҳаллий аҳолининг хатти-ҳаракатларидан ғазабланиб Кўкондаги икки қозикалонни Сибирга сургун қилдилар. Тошкент, Андижон кўзғолонлари ва 1916 йил кўзғолони иштирокчилари бўлган мусулмон руҳонийларига нисбатан ҳам қамоқ ва бошқа чораларнинг қўлланилиши фикримизнинг исботидир. Чор ҳукумати мусулмон руҳонийларини ва маҳаллий амалдорларни ўз томонларига жалб этишга, улар иштирокида ислом динига, миллатга қарши ҳаракатларни амалга оширишга доимо интилдилар.

Бу ерда шуни алоҳида кўрсатиб ўтишимизга тўғри келадикки, чор ҳукуматига хизмат қилган баъзи бир мусулмон руҳонийларни мисолида барча уламолар эскилик тарафдорлари сифатида Ўзбекистон ССР тарихи дарсликлари ва ўқув қўлланмаларида талқин қилинган.

Ўлканинг ва бутун Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисининг таълими маданий, маънавий ҳаётида мидлий зиёлилар – мадрасаларнинг мударрислари, мактаб ўқитувчилари, китобфурушлар, китоб кўчирувчи хаттотлар, таржимонлар муҳим рол ўйнаган. Шунини эътиборга олиб, мустамлакачи маъмурлар уларнинг фаолияти устидан қундалик назорат ўрнатдилар.

Кауфман бошчилигидаги мустамлакачи маъмурият сўзда мусулмон муассасаларини қўллаб-қувватлаш сиёсатини эълон қилган

бўлса ҳам амалда мусулмон ўқув юртлари ва рухонийларга таъйик қилиш, уларнинг моддий негизига путур етказишдан иборат ғайри миллий давлатчилик амалиётини авж олдирди. Генерал-губернатор Кауфман мусулмон ўқув юртлари тизимига, хусусан, мадрасаларга қўйидагича баҳо берганди. «Мадрасалар мусулмон диний зодагонлари кучи ва имтиёзларини муҳофаза қилувчи муассасалар бўлиб, улар муҳим сийёсий вазифадан ташқари, бугунги кунда ҳам мусулмон тарғиботининг маркази ва ўчоги сифатидаги бошқа асосий ролини бажариб келмоқда. Ҳозирга қадар мадрасалар бутун мусулмон аҳолисини руҳи ва ахлоқига муҳим таъсир ўтказувчи имомлар, ўқитувчилар, қонуншунослар билан таъминлайдиган фаол семинариялар ҳисобланадилар.

Шунинг учун ҳам ислом динининг маҳаллий халққа бўлган таъсири кучли эканлигини ҳисобга олган Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ислом дини вакилларининг ички ишларига аралашмаслик нуқоби остида иш юритди ҳамда уларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб, генерал-губернатор тақлиф этган қўйидаги йўлни тутди.

1. Мадрасалардаги мутаваллилар устидан хонликлар даврида жорий этилган маъмурий назорат қилувчи «мутаваллибоши» лавозими тугатилди<sup>2</sup>.

Бундан кўзлаинган мақсад мадраса ихтиёридаги вақф мулкларини талон-тароҷ қилинишига йўл қўйиш ва мадраса иқтисодини издан чиқариш эди.

2. Мадрасаларни тамомлаганларни давлат ишларига олинишига тўсқинлик қилиш.

Бу тадбир билан чор ҳукумати мадрасаларда таълим олаётганларда ва илм-маърифатли бўлиш иштиёкида юрганларда бу қизиқишни сўндирмоқчи эди. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, ксйинроқ маҳаллий аҳолининг баъзи бирида «Ўқиб ким бўласан» деган тушунча ҳам юзага келган.

3. Мадрасаларда дунёвий фанларнинг ўқитилишига қаршилик қилиш. Бу билан чор ҳукумати мадрасаларда дунёвий илм-фанларни ўқитилишини чеклаб, фақатгина диний-таълимот ўқитилишининг

<sup>1</sup> ҲАМДА 1-фонд. 19-руйхат. 3-шп 9-10-сарра

<sup>2</sup> ҲАМДА: 2282 фонд. 1-руйхат. 128-шп. 74-сарра.

тарафдори эди. Бу эса мадрасаларда факатгина диний билимларга эга бўлган мутахассислар тайёрланишига олиб келарди.

4. Муслмонларнинг муқаддас шаҳарлари бўлган, «Макка» ва «Мадина»га ҳаж қилишга тўскинлик қилмаслик.

Гарчи бу тадбир бевосита чор ҳукуматининг ташки сийёсати билан боғлиқ бўлсада, минглаб меҳнатқаш халқ оммасининг ҳаж қилишига тўскинлик қилинмади. Бунга сабаб, эндигина бўйсундирилган Ўрта Осиё аҳолиси ва муслмон давлатларини чор Россиясига қарши қилиб қўймаслик эди.

5. Ислом дини вакиллари ва давлат ички ишларига аралашувини чеклаш.

Бу билан босқинчилар исломнинг муслмон руҳонийларини маҳаллий халққа бўлган таъсирини йўқотишга ҳаракат қилмоқда эди. Бундан ташқари генерал-губернаторлик маъмурияти «Ўзанинг тугаши» ва ундан кейинги байрам кунларини ҳам уезд бошлиқлари томонидан белгиланишини жорий этди<sup>1</sup>.

Юқоридаги тадбирлар билан чекланмаган мустамлакачи амалдорлар ҳукуматдан ислом дини вакилларига суд, оила-никоҳ, мол-мулк мероси ва тақсимооти каби ишларни ҳам бажаришга рухсат бермасликни талаб этадилар. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати ўз йўлидаги мана шу тўсиқларни йўқ қилиш мақсадида 1880 йили барча вилоят бошлиқларига ҳамма соҳада бошқарувни ўз қўлига олувчи маҳкама ташкил этиш вазифасини юклади. Натижада давлат судлари билан бир қаторда уч хил кўринишдаги суд маҳкамалари ташкил этилди<sup>2</sup>.

1. Фарғона, Самарқанд, Сирдарё ва Еттисувнинг ўтроқ аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

2. Шу вилоятларнинг кўчманчи аҳолиси учун ташкил этилган суд маҳкамалари.

3. Каспий орти вилоятларининг маҳаллий аҳолиси учун ташкил этилган суд маҳкамалари эди.

Кўчманчи ва ўтроқ халқлар судларини бир-бирдан фарқи шундан иборат эдики, шариат асосида иш кўрувчи «Қози судлари»

<sup>1</sup> ҲазРМДА: I-фонд, II-руйхат, 1724-шп, 89-парад.

<sup>2</sup> ҲазРМДА: 25-фонд, I-руйхат, 780-шп, 133-парад.



ҳукм чиқаришда суд жараёнида аниқланган ҳуқуқий далилларга амал қилиб, умумий ва ўзгармас тартиблар асосида ҳукм чиқарарди.

Кўчманчи халқларнинг судлари эса, нафақат давр ўтиши билан, балки жойларга қараб ҳам ўзгарувчан одатлар асосида суд қиларди.

Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар халқ судьялари сифатида аввало мадрасани тугатган, шариат қонун-қоидаларини яхши билган кишиларгина уч йил муддатга сайланарди.

Туркистон Россия империясининг мустамлакасига айлантирилгач, маҳаллий халқнинг миллий ва диний қадриятлари оёқ ости қилинди. Мустамлакачилар ислом дини заминида вужудга келган одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини ҳам издан чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Ушбу маккорона сиёсат ҳақида Маҳмудхўжа Бехбудий шундай ёзганди: «Миссионерлар тарафидан ва ёйинки, бизни йўқ ва нобуд бўлишимизни ва шариати муқаддасамизни ҳукмдан қолишини ҳоҳлатадурғон эски ва мустабид ҳукумат одамлари тарафидан шундай законлар чиқарди»<sup>1</sup>. Бехбудийнинг ёзишича, Туркистон генерал-губернаторлигида ўрнатилган тартиб-қоидага мувофиқ, илм ва истеъдодидан қатъий назар, 25 ёшга етган туркистонлик фуқаро воласть бошқарувчиси ёки қози бўлиши мумкин эди. Бу тартиб етарли илмга эга бўлмаган кишиларнинг қози, мударрис, имом бўлиб қолишлари учун замин бўлиб хизмат қилди. Ҳолбуки, хонлар замонасида диний лавозимларга шайхулисломнинг ва бошқа уламоларнинг иштирокидаги имтиҳондан сўнггина кишилар тайин қилинар эдилар. «...Бу қилган тadbирлари ўзлари учун энг яхши ва биз мусулмонлар учун энг жонсиз ва хароб қилғувчи натижалар берди».

Шариатга асосланиб иш юритган «Қози судлари» ХХ-асрнинг 80-йилларига қадар рус қонунларини мусулмонлар ҳаётига тadbик этилишига тўсқинлик қилиб келди. Шунинг учун босқинчилар янги суд маҳкамаларини ташкил этишга киришдилар.

Чоризм истилосидан кейин Қози судьялари лавозимига босқинчиларга маъқул бўлганлар «тайинланадиган» бўлди. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, мустамлакачилар томонидан янги судларни ташкил этилгани билан бу суд маҳкамаларининг ҳақ-

<sup>1</sup> Бехбудий М. Блага ислоҳот керак. Намот-1917. 17-апрель.

ҳуқуқлари тенг эмасди. Масалан: Рус миллатига мансуб фуқаролар маҳаллий аҳоли яшайдиган жойларда қилган жинойтлари учун шу ердаги шариат асосида иш кўрувчи «қози» судлари томонидан суд қилиниши мумкин эмасди. Бундай жинойий ишлар албатта Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ташкил этилган суд маҳкамаларидагина кўриб чиқиларди. Бу билан босқинчилар Туркистонга кўчириб келтирилган русийзабон аҳолини ўз ҳимоясига олган эди. Бу ҳам стмагандек генерал-губернаторлик аҳолини XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб қурол-яроғ билан ҳам таъминлаган эди. Бунга сабаб, улар ўзларини маҳаллий аҳолидан ҳимоя қилишлари ва зарурат туғилганда, яъни ҳарбий мақсадларда фойдаланиш эди.

Энди мусулмон руҳонийларининг XIX асрнинг 80-йилларидаги аҳволи масаласига келсак. 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилгандан кейинок ер, солиқ ҳамда вақф масалалари билан шуғулланувчи комиссия иш бошлаган. Асосий эътибор вақф маҳкамалари ва уларнинг қўл остидаги мулкларидан келадиган даромадни тортиб олишга қаратилди. Натижада Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг 1880 йилдаги буйруғига мувофиқ вақф маҳкамаларининг ерларидан «Земство» - солиғи олиш жорий этилган. Бунни қўйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин<sup>1</sup>.

№	Уездлар номи	Олинган сумма
1	Наманган уезди	165 рубль 41 копеек
2	Андижон уезди	13932 рубль 26 копеек
3	Қўқон уезди	9774 рубль 41 копеек
4	Марғилон уезди	6642 рубль 36 копеек
5	Ўш уезди	1614 рубль 15 копеек
	Жами	32.128 рубль 59 копеек

Албатта мустамлакачилар фақат шу билан чекланиб қолмаганлар. 1880 йилдан вақф маҳкамаларини ўз ерларидан олиниши лозим бўлган солиқларни йиғиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилади. Натижада Фарғона водийсидаги кўплаб мадрасалар иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган. Марғилон уездидаги «Маҳмуд дастурхончи», «Холмуҳаммад Додхо», «Қўқ

<sup>1</sup> ҒАРМДА: 10-фонд, 1-руйхат, 24891-ши, 11-варақ.

мозор», «Иса Додхо», «Шахобиддин Хўжа эшон», «Жомий», Қўқондаги «Мохлар ойим», «Ҳоким тўра» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бунинг яна бир сабаби, 1880 йилдан бошлаб вақф маҳкамаларининг мулклари чор ҳукумати томонидан ижарага берилаётгани ва вақфкор деҳқонлар ҳам босқинчи ҳукуматга солиқ тўлаётгани эди.

Россиянинг Туркистондан олган даромадлари эса йил сайин ўсиб боргани қуйидаги маълумотлардан маълум бўлади:

1868 йил	1484677 рубль
1869 йил	2187396 рубль
1870 йил	1864312 рубль
1871 йил	1822102 рубль
1872 йил	1879966 рубль
1873 йил	2616410 рубль
1874 йил	2727430 рубль
1875 йил	2736354 рубль
1876 йил	3733696 рубль
1877 йил	3495481 рубль
1878 йил	3822297 рубль
1879 йил	4053270 рубль

Кўриниб турибдики, мустабид давлатининг Туркистондан олган даромади 1868-1879 йилларда деярли 3 баробар ортган ва 12 йил давомида олган жаъми даромад 32.413.291 рублни ташкил этган. Тадқиқотчи А.Стеткевичнинг ҳисоб-китобига кўра эса Россиянинг Туркистондан 1869-1896 йилларда, ўлкадан бевосита олган даромади 158 млн рубль бўлган<sup>1</sup>.

Чор ҳукуматининг ўлкадаги бу талончилик сиёсат натижасида 1881 йилнинг 20 июлида, 1882 йилнинг 20 феврилида Марғилон ва Андижон уездигаги мусулмон мактаб ва мадрасаларининг мударрис ва мутаваллилари, муллалари, имомлари Фарғона вилоятининг

<sup>1</sup> Мустабид тузумнинг Ўзбекистон иккунчи бойлиқларини талон сиёсати: Тарах шохидилга ва сабоқлари. Тошкент-2000. 152 бет.

ҳарбий губернаторига шикоят хатини ёзганди. Бунда таъкидланишича 1881 йилдан бошлаб Фарғона вилоятидаги мадрасаларнинг вақф мулкларидан олинаётган «Оброк» солиғини бекор қилишни илтимос қилган эдилар. Аммо, бу илтимосномага ҳам рад жавоби берилган.

1893 йилдан бошлаб эса Фарғона вилоятидаги вақф мулкларидан «Земство» солиғини олиш жорий этилган. Бунинг натижасида эса Андижон шаҳридаги «Насриддинбек», «Иса-Додхоҳ», «Холиқбек-қушбеги», «Оқ масжид», «Пойдевор», «Мусулмонкул» - каби мадрасалар иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган. Ушбу мадрасаларнинг мударрис ва талабалари 1893 йилнинг 17 ноябрида Туркистон генерал-губернатори номига шикоят хатини ёзганлар. Бунда таъкидланишича вақф маҳкамалари олаётган «Хирож» миқдори «Земство» солиғига нисбатан 3 баробар кам бўлганлигини ҳисобга олиб бундан кейин вақф маҳкамаларига ўз мулкларидан хирож солиғи йиғиштириб олишга рухсат берилиши сўралганди. Акс ҳолда мадрасаларга ҳеч қандай даромад қолмаслиғи кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, чоризмнинг мустамлакачилиги даврида мусулмон аҳлининг илм-масканлари иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга келиб қолган.

Чор ҳукумати томонидан тортиб олинган маблағларга қанчадан - қанча илм-масканлари қуриш, юртни ободонлаштириш, аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш фан, маориф ва маданиятни ривожлантириш, моддий фаровонликка, ободончиликка эришиш мумкин эди.

Туркистон ўлкасини босиб олишда бошланган мустамлакачилик ва талончилик сиёсатини кейинги генерал-губернаторлар ҳам давом эттирдилар. Жумладан, Розенбах ҳукмронлиги даврида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори раҳбарлигидаги комиссия кўчманчи халқлар ўртасидаги ислом дини тарғиботи масаласини кўриб чиққан. Мазкур комиссия аъзолари бир овоздан аввало ислом дини вакиллари қўл остидаги маҳаллий халқнинг мадрасаларига эътибор бериш керак, деган фикрга келганди.

Мана шундай бир вазиятда 1884 йили Олий таълим Вазирлиги томонидан мусулмонларнинг мактаб ва мадрасаларини назорат қилиш учун қўлланила бошлаб чиқилди.

1885 йили Туркистон генерал-губернатори Розенбах ўлкадаги мактаб ва мадрасалар устидан назорат ўрнатиш тўғрисида кўрсатма беради. Шунингдек, Олий таълим вазирлигига юборган ҳисоботида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган.

1. Кейинги вақтларда Ҳиндистоннинг, Бомбей, Дехли ва бошқа шаҳарларидан араб, форс тилларида ислом динини тарғиб қилувчи кўплаб адабиётлар Туркистонга жўнатилмоқда. Ҳиндистон эса Туркистон халқларининг маънавий манбасига айланмоқда, бу эса Шарқда руслар таъсирининг тарқалиши учун ниҳоятда зарарлидир.

2. Маҳаллий халқ саводхонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш фақат «рус-тузем» мактаблари зиммасига тушмоқдаки, бу эса ҳукумат талабаларига тўла равишда жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам мавжуд мадрасаларда ислоҳот ўтказмоқ зарур.

3. Ўлка ёшларини ислом дини вакиллари таъсиридан чиқариш учун маҳаллий халқ тилида Россия ҳақида қўлланма ва адабиётларни кўплаб чиқариш керак.

4. Туркистон ўлкасида тахминан тўрт мингдан ортиқ мактаблар бўлиб, буларда ўн минглаб ёшлар таълим олмақда. Бундан кейин бу мактаблар фаолиятини тақиклаш ноқонунийдир. Ўқув ишлари бошқармасида фақат иккита мутахассис бўлиб, бу ушбу мактаблар устидан назорат қилиш учун етарли эмас.

Мана шу омилларни ҳисобга олган Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти 1887 йилнинг 1 июлигача маҳаллий аҳоли вакилларидан барча вақф ҳужжатларини вилоят бошқармаларига топширишни талаб этди<sup>2</sup>.

Шу муддат ичида топширилмаган вақф ҳужжатлари қалбаки ҳисобланади ва ўз кучини йўқотади деб эълон қилинди. Бунинг асосий сабаби шундан иборат эдики, мустамлакачилар томонидан турли хилдаги низомлар ишлаб чиқилишига қарамай вақф ҳужжатларининг кўпчилиги ўз эгаларида сакланаётган эди. Шунинг учун ҳам вақф мулки эгаларини ва вақф маҳкамаларини ўз қўлидаги ягона ҳуқуқий далилдан маҳрум этиш назарда тутилган эди.

Чор ҳукуматининг ушбу тадбири ҳақида унинг кўзга кўринган полковниги Гиппиус бундай деган эди: Бу билан ўз

<sup>1</sup> Ўз РМДА: 19-фонд, 1-руйхат, 24691-шп, 11-варақ.

<sup>2</sup> Ўз РМДА: 1-фонд, 12-руйхат, 630-шп, 29-варақ.

воситачилигимизни таклиф этиб, қоғозда кўп нарсаларни ваъда берган ҳолда, вақф срида яшаётган ижрачилар ёки умуман халқ билан вақф маҳкамаларининг бевосита алоқасини дарҳол тўхтатилди ва дастлабки вақтда ҳақиқатан ҳам солиқлардан ёки берилган имтиёзларга нисбатан норозилик билдирган вақф маҳкамаларига ҳазинадан талаб этилган сумма қайтарилди. 1887 йилнинг 1 июлига қадар топширилмаганлари эса қонуний кучга эга эмас, деб эълон қилинди. Шунга қарамасдан, топширилган ҳужжатларини 90 фоизини кўриб чиқишга киришилмади. Қолган ўн фоиздан фақат ўндан бир қисмигина биз томондан истисно тариқасида тан олинди. Бизга ишониб ўзларининг ҳуқуқий далилларини тақдим этган барча вақф маҳкамалари охир-оқибатда рус ҳукмронлигида нафакат ўз даромадларидан, ҳатто қонуний қилиб айтганда, ўзларининг келгусида фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилдилар<sup>1</sup>.

Бу ўринда шунини таъкидлаш жоизки, чор ҳукумати томонидан қўйилган талаблар бутунлай асоссиз бўлиб, улар умуман вақфнома талабаларига ва шарият қонун қоидаларига тўғри келмасди. Юқоридаги тадбир билан босқинчилар мусулмонларни ўз қўлидаги ҳуқуқий далилдан ҳам маҳрум этган эди.

Бу ҳам етмаганидек 1891 йилдан бошлаб босқинчилар мусулмон руҳонийлари қўл остидаги вақф маҳкамалари давлат ҳисобига солиқ тўлашга мажбур этилди. Аммо 1894 йилга келиб бу генерал-губернаторликнинг 27-сонли буйруғига асосан ер учун белгиланган умумий давлат солиғи билан алмаштирилган.

Чор ҳукуматининг бу тадбири мусулмон руҳонийларига ва уларнинг қўл остидаги вақф маҳкамаларига қандай таъсир этди. Бу хусусда Туркистон генерал-губернаторлиги полковниги бўлган Гиппиус шундай деган эди: «Ҳозирги вақтга келиб бизларга ишонмай ёки бошқа бир сабаблар билан ўз ҳужжатларини вилоят бошқармаларига топширмаган вақф маҳкамаларининг аҳволи нисбатан яхшидир, чунки улар вақт ўтиши билан ёки рус ҳукумати ағдариб ташлангандан кейин янги ҳукмдорлар даврида ўз ҳақ-ҳуқуқларининг тикланишига умид қилишлари мумкин. Лекин ҳужжатларини бизга ишониб топширганларнинг эса ўз ҳақ-ҳуқуқларидан бутунлай ажраб қолиш хавфи туғилмоқда, чунки бу

<sup>1</sup> Ўз РМДА: 1-фонд, 12 рўйхат, 884-шп, 67-сарраф.

махкамаларга ҳужжатларни қайтаришнинг ҳеч қандай кераги йўқ. Вақтлар ўтиши билан, бу ҳужжатлар бузилади ва йўқолиб кетади»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам чор ҳукумати маъмурияти томонидан 1887 йили маҳаллий аҳолидан йиғиштириб олган вақф ҳужжатларини узок йиллар давомида кўриб чиқмаган. Масалан, 1900 йилги маълумотга кўра, Фарғона виодятидаги вақф маҳкамаларининг ўн мингга яқин вақф ҳужжатлари чор ҳукумати томонидан турли баҳоналар билан кўриб чиқилмаган эди<sup>2</sup>.

Боскинчи ҳукуматнинг бу сиёсати натижасида ислом дини вакиллари раҳбарлик қилаётган масжид, мактаб ва мадрасаларнинг бинолари аста-секинлик билан вайрон бўлиб, маблағ етишмаслиги сабабли таълим-тарбия ишлари ҳам издан чиқиб бормокда эди.

Чор Россиясининг асосий мақсади Туркистонни ҳам ашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туриш ва табиий бойликларини марказга ташиб кетишга қаратилган эди. Бу сиёсатдан дворян-помещчиклар синфидан ташқари, тобора ривожланиб ва кучга кириб бораётган рус буржуазияси, айниқса тўқимачилик саноатининг эгалари манфаатдор эдилар. Туркистон мўмай даромад манбаи сифатида ҳам чор Россиясининг хазинасини бойитиб бораётган эди. Бу даромадлар 1867-1896 йилларда 4 баробар кўпайди, аҳолидан олинадиган солиқлар эса, 1889-1893 йилларда 40 фоизга ошди. 1869-1896 йиллар давомида империя хазинаси Туркистон ўлкасидан 158 миллион сўм даромад олди<sup>3</sup>.

Туркистон бойликларини талашда империя марказини мустамлака ўлкалар билан туташтирувчи темир йўл боскинчиларга қўл келди. Темир йўл аввало, ўлкани босиб олиш мақсадида қурилган бўлиб, кейинроқ ундан талончилик мақсадларида фойдаланилди. Каспийорти, Сибирь ва Оренбург темир йўллари Россия империясининг Европа ва Осиё қисмини ўзаро бирлаштириб, ўлкаларни империянинг мол алмашинуви жараёнига жалб этди.

Туркистоннинг энг қимматли бойлиги бўлган пахта рус савдо-саноат ва ҳукмрон доираларга ором бермас эди. Шунинг учун ҳам ўлка чор Россияси томонидан босиб олингандан кейинроқ,

<sup>1</sup> Ўша ҳужжат.

<sup>2</sup> ҒАРМДА: 2282-фонд, 1-руйхат, 194-шп, 168-варақ.

<sup>3</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилик даврида. Тошкент-2000. 230-бет.

Туркистонда жўплаб завод, фабрикалар қурилди. Ўлканинг биргина Фарғона вилоятида XX аср бошида 157 та пахта тозалаш заводи бўлиб, улар маҳаллий, рус ва чет эл капиталистларига қарашли эди. Туркистоннинг Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона каби уч вилоятида 1867-1900 йиллар мобайнида 170 та саноат корхонаси очилди. 1900-1910 йилларда яна 220 та, 1910-1914 йилларда эса, 180 та корхона ишга туширилган<sup>1</sup>.

Туркистонга келиб қолган хорижий ишбилармонлардан бири Самарқанд тўқимачилик фабрикаси очиш учун Туркистон генерал-губернатори Самсуновдан рухсат сўраганда, генерал: «...Ўлкада ип-газлама саноатини ривожлантириш марказий Россия саноатига путур откази бундан ташқари темир йўлни юқдан маҳрум қилади. Шунинг учун бунга розилик бериш номақбул ишдир», деб Россиянинг бозор иктисодиёти стратегияси ва тактикасини изоҳлаб берган эди.

Шундай қилиб, миллатчилик кайфиятидаги рус маъмурлари фақат Россия манфаатларини химоя қилишиб, ўлкада хом-ашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка, Россиядан эса ўлка бозорлари учун тайёр маҳсулот келтиришга ҳаракат қилдилар. Бунинг оқибатида ўлканинг минглаб ҳунарманд ва косиблари Россиянинг нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлари рақобатига бардош бериша олмай, ўз касбларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Уларнинг бир қисми мардикорлик қилишган бўлса, қолганлари завод-фабрикаларнинг ёлланма ишчиларига айландилар.

Ўлка фабрика-завод саноатининг асосини ҳам худди шу пахта тозалаш корхоналари ташкил этгани тасодифий эмасди. Чунки ўлканинг пахтаси биринчи навбатда рус саноати ва буржуазияси учун зарур эди. Шунинг учун ҳам 1884 йилдан бошлаб Туркистонда «Америка» навли пахтани экила бошланди. 1889 йилга келиб, бундай нав эллик минг, 1895 йилда эса юз минг таноб майдонга экилди. 1901 йилга келиб, Туркистон ўлкасида 186326 таноб ерни эгаллаган пахтадан 174026 таноби рус саноати эҳтиёжи учун мўлжалланган Америка навига тегишли пахта эди. Бу ҳақида Россия деҳқончилик нозири Кривошеин шундай деганди: «Туркистон ғалласи Русия ғалласига, пахтаси эса, Америка пахтасига қушандадир. Туркистон

<sup>1</sup> УЎРМДА: 36 фонд, 1 рўйхат, 3298 шп. 42 шараф.



аҳолисининг аҳволи нима кечса, кечсин у, лекин Русиё манфаатлари тўла сақлансин»<sup>1</sup>, деган эди. Бунинг маъноси шундан иборатки бордию ўлкада ғалла кўп етиштирилса, пахта камаяди, ғалла эса кўпайиб, Россия ғалласига эhtiёж қолмайди. Натижада, Россия икки томонлама зиён кўради.

Демак, мустамлакачилар ўз олдиларига ўлка аҳолисининг аҳволи нима кечса кечсин-у, лекин Россия пахтадан ҳам, ғалладан ҳам фойда олиши лозим, деган мақсадни қўйганлар ва шуни кўзлаб иш олиб борганлар. Бундай сиёсат ўлкада озик-овқат маҳсулотлари танқислигига ва нархларнинг ошишига олиб келди. Чоризм хукмронлиги даврида ўлкада, хусусан, Фарғона вилоятида бугдой етиштириш тобора камайиб, рус ғалласига карамлик кучайиб бораверди.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимизга тўғри келадики, чоризмнинг ушбу сиёсатини шўро ҳокимияти ҳам жадал суратлар билан давом эттирган. Оқибатда нафақат ғалла, балки ҳозирги кунда ўрик, ёнғок, бодом ва бошқа маҳсулотларнинг нархини юқори эканлигини сабаби ҳам шудир.

XX аср бошларида пахтачилик Туркистон саноати ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, дон 37 фоиз, бошқа экинлар эса 1,2 фоизни ташкил қилган. Пахтачилик империянинг чет элларга сарфлайдиган 70 миллион олтин пулини тежашга ёрдам берди. Лекин шунга карамай Туркистон ўлкасида пахтанинг харид нархи ниҳоятда паст эди. 1913 йилда пахтанинг нархи 50 фоиз оширилганда мустамлака маъмурияти атайлаб энг муҳим озик-овқат маҳсулотлари баҳосини 400-500 фоизга оширди. Ноннинг нархини олти марта кўтариб, пахта нархини эса, 20 фоизга камайтирди.

А. Демидов Туркистонда пахтачилик масалаларига бағишланган рисоласида деҳқонлар аҳолини аниқ манбалар оркали очиб ташлаган эди. «Қарзнинг ниҳоятда оғир устама тўловларидан толиққан, бир неча бор алданган ва ҳисобидан адаштирилган деҳқон, - деб ёзади муаллиф, жуда ачинарли ҳаёт кечирарди. Ҳисоб-китоб вақтида деҳқон олган қарзини узгани ёки тўлай олмаганига карамай, барибир, каттик

<sup>1</sup> Ж. Раҳимов «Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларида фойдаланиш». Тошкент-1995. 46-бет.

<sup>2</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент-2000. 232-бет.

кийноқ остига олинган. Қарзларни ундириш фақат мол-мулкини мусодара этиш билан чегараланмаган»<sup>1</sup>.

Пахтани ташиб кетувчи идора хўжайинлари ўзбошимчалик билан деҳқонларнинг чорва молларини тортиб олиб, ўз одамлари орқали молларни бозорда соттириб, пулни кассага ўтказган. Баъзи савдогарлар кулоқ эшитмаган зўравонликлар қилиб, қарздорларни ўз омборларига қамаб қўйганлар ва уларни қариндошлари сотиб олгунча ушлаб турган. Қарздорлар одатда қаттиқ қалтакланган, жазога тортилган. Олғир савдогарлар ҳатто қарздорларнинг хотинини сотиш даражасигача етганлар.

Бу сиёсат ҳақида туркий халқларнинг ёвуз душмани бўлган генерал фон Кауфман шундай фикр билдирган эди: «Бу халққа иложи борича, мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқ бир зум ҳам бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмасин»<sup>2</sup>.

Мустамлакачилар Туркистонга гўё ўзлари учун яратилган битмас туганмас бойлик манбаи, унинг халқига эса шу бойликни уларга сўзлаб берувчи итбаткор қул сифатида қарар эдилар.

Чор ҳукуматининг бу сиёсати 1898 йилга қадар давом эттирилган, сўнг шу йили Туркистон ўлкасидаги ислом дини вакиллари раҳбарлик қилаётган ўқув муассасалари, вақф маҳкамалари ва диний ишларни вақтинчалик назорат қилиш ҳақидаги низом ишлаб чиқилди. Ушбу низом қуйидагилардан иборат эди:

А) Диний ишларини бошқариш тўғрисида.

Туркистон ўлкаси мусулмонлари масжид, мазор ва зиёратгоҳларда тоат-ибодат қилишлари мумкин.

1-илова. Юқорида номлари қайд этиб ўтилган ерлардан ташқари жойларда ибодат қилиш учун уезд бошқармасининг махсус рухсатномаси бўлиши керак.

2-илова. Мусулмонларнинг азиз авлиёларини шарафловчи нарсалар билан савдо-сотик қилишлари учун уезд маъмуриятининг рухсатномаси бўлиши зарур.

<sup>1</sup> Ж. Раҳимов Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. Тошкент-1995. 47-бет.

<sup>2</sup> Ж. Раҳимов Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. Тошкент-1995. 47-бет.

Бу билан босқинчилар тили, дини, урф-одатлари бутунлай ўзгача бўлган ўлка халқларини аста-секинлик билан чор Россияси ҳукмронлигига бўйсундираётган эдики, бунга кўра энди улар ўз ерларининг ҳоҳлаган жойида «худоба» илтижо қилишлари ҳамда ўз динларини, азиз-авлиёларини шарафловчи буюмларни ҳам ҳукуматдан сўроқсиз сотмасликлари керак эди.

2. Янги масжидлар қурилиши низом қонун-қоидаларига мос келган ҳолдагина рухсат берилади. Масжид, мақбара ва азиз авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш ҳамда уларни беркитиш генерал-губернатор буйруғи билан амалга оширилади<sup>1</sup>.

Мустамлакачилар бундай талаблар орқали маҳаллий аҳолидан бундан кейин қурилиши керак бўлган масжид, мактаб ва мадрасаларнинг лойиҳасини олдин ҳукуматга кўрсатишни талаб этиш билан мазкур иншоотларни бундан кейин қурилишини чеклаётган, маҳаллий аҳолининг муқаддас жойлари ҳисобланган масжид ва мақбараларни бундан кейин чор ҳукуматининг рухсатсиз ташкил этиш мумкин эмаслигини маҳаллий аҳолига уқтираётган эди.

3. Масжид ва зиёратгоҳлардаги имом ва бошқа хизматчилар жамоа томонидан сайлансада, лекин уларни уезд бошлиқлари тасдиқлайди ва эгаллаб турган лавозимидан четлаштиради.

Ушбу модда бўйича маҳаллий аҳолига, мутавалли, имом ва бошқа хизматчиларни сайлаш ҳуқуқи берилгани билан бу шахслар чор Россияси амалдорларига маъқул келган тақдирдагина тасдиқланарди. Бу эса мустамлакачиларга ўзига содиқ бўлган, ватан хоинларини юқори лавозимларга тайинлаш имконини берарди.

4. Туркистон ўлкасидаги диний маҳкамаларни, яъни масжид, мазор, мақбара ва зиёратгоҳларни умумий назорат қилиш генерал-губернатор томонидан тасдиқланган кўрсатмаларга биноан уезд ҳамда вилоят бошлиқлари зиммасига юкланади.

Бундан кўриниб турибдики, мазкур зиёратгоҳлар ўзининг жойлашган ўрнига қараб доимо босқинчи амалдорлар диққат марказида бўлган. Юқоридаги модда эса ушбу фикримизнинг яққол исботидир.

Чор ҳукумати фақатгина диний маҳкамаларни назорат қилиш билангина чекланиб қолмасдан, ислом дини вакиллари қўл остида

<sup>1</sup> К. Е. Бедриков. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Тошкент-1956.

бўлган ўқув даргоҳларини ҳам бошқариб туриш тўғрисида бир қатор моддаларни ишлаб чиққан бўлиб, булар қуйидагилардан иборат эди:

Б) Мусулмонларнинг ўқув муассасаларини бошқариш тўғрисида.

5. Туркистон ўлкасидаги мусулмонларнинг илм-масканлари, яъни мактаб, қорихона ва мадрасалар Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ишлаб чиқилган низомга биноан уёзд ва вилоят маъмуриятининг умумий назорати остида бўлади<sup>1</sup>.

6. Рус-тузем мактаблари ҳамда мадрасаларда жорий этилган рус синфларининг ҳолати, аҳолидан бохабар бўлиш маҳаллий халқ мактаб ва мадрасаларини назорат қилувчи инспектор зиммасига юкланади.

Бу ерда шунини изоҳлаб ўтишимизга тўғри келадикки, чоризмнинг мустамлакачилиги даврида маҳаллий халқ норозилиги келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида мадрасаларда рус синфларини очилишига ва мадрасаларни катталар учун мўлжалланган ўқув масканларига айлантирилишига рухсат берилмаган.

7. Янги мадрасаларни ташкил этиш ёки уларни беркитиш учун генерал-губернаторнинг рухсатномаси бўлиши зарур. Мактаблар эса уёзд бошлигининг рухсати билан ташкил этилади. Бунда уларни қуриш ҳамда таъмирлаш қурилиш низомига биноан амалга оширилади. (Илова. Янги мадрасаларни ташкил этишга шу шарт билан рухсат этиладикки, бу ҳам бўлса уларда рус синфлари бўлиши ёки бўлмаса улар 5 йил муддат ичида очилиши шарт эди). Бундан қўришиб турибдики, босқинчилар аҳолиси кўпайиб бораётган маҳаллий халққа мактаб ва мадрасалар қуришга имкон бермаслик билан уларни аста-секин маданиятсиз, иттифоқсиз кулларга айлантормоқчи эди. Янги қурилмоқчи бўлган ҳамда мавжуд мадрасаларда рус синфларини жорий этиш билан эса маҳаллий халқ турмуш тарзига христиан урф-одатларини ва тилини аста-секинлик билан киритишни мўлжаллаган эди.

8. Мактаб ва мадрасалардаги мутаваллий, мударрис ва бошқа хизматчиларни тайинлаш ва ўз хизмат лавозимидан олиш уёзд ва вилоят бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

Бундан қўзланган мақсад мактаб ва мадрасаларни доимо назоратда тутишдан иборат бўлиб, ушбу мадрасалар ҳақида чор

<sup>1</sup> Уа РМ/А: I фонд. II рўйхат. 1724 ш. 100 барак.

хукуматининг кўзга кўринган амалдори Розенбах шундай деганди: «Эски мактаблар биз учун ҳеч қандай хавф-хатар туғдириши мумкин эмас, лекин мадрасалар биз учун жуда катта хавф-хатар туғдириши мумкин»<sup>1</sup>.

Мана шундай кайфиятда бўлганлиги учун ҳам босқинчилар маҳаллий халқ мактаб ва мадрасаларини назорат қилувчи инспектор лавозимини таъсис этдилар. Бу иш билан шуғулланиш В.П.Наливкин зиммасига юклатилди.

В) Вақф маҳкамалари ва уларнинг даромадларини назорат қилиш тўғрисида.

9. Туркистон ўлкасидаги вақф мулкларини назорат қилиш генерал-губернаторлик томонидан чиқарилган низомга асосан уезд ҳамда вилоят маъмурияти зиммасига юкланади.

10. Вақф ҳужжатида кўрсатилган мутаваллини тасдиқлаш ва уларни эгаллаб турган лавозимидан четлатиш уезд бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

Бу ерда шуни кўрсатиб ўтишимизга тўғри келадики, тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин «Вақфнома» талаблари кўпол равишда бузилиб, ушбу мулкка бутунлай бегона бўлган кимсалар мутавалли этиб тайинланган.

11. Янги вақф мулкларини ташкил этишга генерал-губернаторликнинг махсус рухсатномаси бўлган тақдирда ижозат берилади. Бу билан, биринчидан чор ҳукумати бундан кейин вақф маҳкамаларининг кўпайиб боришини чеклаётган бўлса, иккинчидан мустамлакачилар учун асосий даромад манбаларидан бири бўлган ерларни ислом дини вакиллари қўл остига тушиб қолишининг олдини олаётган эди.

12. Мулк вақф қилинган маҳкама, яъни мактаб ёки мадраса ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда, унинг вақф мулки давлат фойдасига олинади. Шунингдек, чет эллардаги муассасалар томонидан вақф қилинган мулклар ҳам «хавфли» деб топилган тақдирда давлат ҳисобига олинади.

<sup>1</sup> ҲАРМДА: 2282-фонд. 1-руҳхат, 91-шп, 28-баррақ.

Бундан кўриниб турибдики, агар хонликлар даврида вақф маҳкамаларининг сони кўпайиб борган бўлса, чор ҳукумати даврида вақф мулкларини йўқотишга ҳаракат қилинмоқда эди.

13. Ерлардан иборат бўлган вақф мулкларини сотиш таъқиқланади.

14. Вақф мулкларидан даромадлар олиш ва ушбу даромадларни тўғри сарф этилишини назорат қилиш мазкур мулк-вақф қилинган муассасалар зиммасидадир.

Аммо мустамлакачилар 1882 йилдан бошлаб вақф маҳкамаларига ўз мулкларидан даромад олишни ҳам таъқиқлаб қўйган эдилар. Бунинг оқибатида Туркистон ўлкасидаги кўплаб мадрасалар иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган эди. Масалан: Тошкентдаги «Бекларбеги», «Лашкарбоши», Марғилондаги «Шарифбой», Андижондаги «Абдурахмон Офтобачи» ва бошқалар.

Ўрта Осиё худуди чор Россияси томонидан босиб олинаётган вақтда босқинчилар ўзларига хизмат қилган ёки ёрдам берган шахсларга ҳам катта-катта имтиёзлар берганди. Шундай шахслардан бири Абдурахмон Офтобачи бўлиб, у 1875 йили Кўкон хонлигини армияси билан генерал Скобелев бошчилигидаги чор армияси кўшинларига ихтиёрий равишда таслим бўлганди. Бунинг учун эса, мустамлакачилар томонидан унга полковник унвони берилган ва умрининг охирига қадар уч минг сўм нафақа тайинланган эди<sup>1</sup>. Абдурахмон Офтобачи тириклик чоғида бу имтиёзлардан фойдаланди ва вафот этишидан олдин ўзининг Олтинкўл волостидаги ерларини Андижон шаҳридаги ўзи қурдирган мадраса учун вақф қилган эди. 1876 йилда ушбу мадрасада 110 талаба таълим олган ва булар Олтинкўл волостининг Дунқайма қишлоғидаги ердан олинган даромад орқали таъминлаб турилган. Лекин Офтобачи вафотидан кейин бу мадраса 1882 йилга келиб, барча имтиёзлардан маҳрум этилиб, унинг вақф даромадларини давлат хазинасига олиш бошланди. Бу ҳақида Абдурахмон Офтобачининг ўғли Абдумўмин қори генерал-губернатор номига ёзган шикоят хатида маълум қилганди.

Абдурахмон Офтобачи мадрасаси Андижоннинг эски шаҳар қисмида жойлашган эди. 1882 йилга қадар ушбу мадрасада 28 та

<sup>1</sup> Ушбу РМДА: 1-фонд, 14-руҳхат, 037-шп, 1-варақ.

хужра ва 2 та дарсхонада ўқув ишларини олиб борилган. 1882 йилдан кейин мадраса аста секинлик билан таъмирталаб ҳолатга келиб қолади. Мана шундай бир вазиятда Балиқчилик Дармонкул деган киши томонидан таъмирланади. Мадраса шу тарзда 1894 йилга қадар фаолият кўрсатган.

Туркистон генерал-губернаторлиги кенгашининг 1894 йил 18-ноябрда бўлиб ўтган йиғилишида Абдурахмон Офтобачи мадрасасининг масаласи кўриб чиқилади. Бунга сабаб мактаб ва мадрасалар нозири (инспектори) томонидан мазкур мадраса биносини «ким ошди» савдоси орқали соғини таклиф этилганлиги эди. Инспектор томонидан бундай таклиф киритилишига сабаб, мактаб ва мадрасаларни назорат қилиш учун чиқарилган қўлланманинг 29-бандига мувофиқ уч ёки ундан ортиқ йил фаолият кўрсатмаган мадрасалар ёпилиши керак эди. Аммо, узулишлар билан бўлсада, ўқув ишларини олиб борилаётганлиги сабабли бунга рухсат берилмайди.

1906 йилнинг 12-декабрида Абдурахмон Офтобачи мадрасасига Андижон шаҳрининг 3-булим «пристави» келади. Булим пристави мадрасани кўздан кечириб, мударрисдан талабаларни қайси китоблар асосида ўқитаётганлигини сўрайди. Мударрис ўз навбатида унга 281 та китобни кўрсатади. Пристав эса, ҳамма китобларни бир ерга тўплашни буюради. Шундан сўнг, пристав Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг кўрсатмасига мувофиқ мадраса тугатилганлигини эълон қилиб, 281 та китобни ўзи билан бирга олиб кетади. Шу тариқа ўқув йилининг ярмида мадрасада ўқиш тўхтатилди.<sup>1</sup>

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтганимиз керакки, мустамлакачилар томонидан мадрасага тегишли даромадни тортиб олиш билан чекланмай, бу ердаги китоблар ҳам тортиб олинган эди. Мустамлакачилар ўзларининг бу тадбири билан маҳаллий халқни саводсиз қилиб, уларни иттифоқ қулларга айлантиришни мўлжаллаган эдилар.

Ўз даврида чор ҳукуматининг босқинчи генераллари мусулмон руҳонийларига бўлган муносабатларини қуйидаги тарзда ифодалаган эдилар: «Исломи дини давлат билан биргаликда фаолият кўрсатишга асосланган ва шу дуфайли ундан ўз таъсир доирасини кенгайтиришга ҳамда ўз ғояларини тарқатишга одатланиб қолган. Давлатнинг ислом

диниға бўлган эътибори йўқ қилинган тақдирда, у мусулмонлар турмушидаги ўз аҳамиятини аста-секинлик билан йўқотиб боради»<sup>1</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан олиб борилаётган бу сиёсат, аслида бир никоб бўлиб, асосий мақсад ўлка бойликларини талон-тарож қилиш, мусулмон халқларни эса қул қилиш эди. Агар босқинчилар ўзларининг бу сиёсатини доимо кенг жамоатчиликдан яширишга ҳаракат қилиб келган бўлсалар, Совет давлати бу сиёсатни ўзгача тарзда давом эттирди.

1918 йилнинг 23 январида пролетариат доҳийси В.И. Ленин ташаббуси билан «Черковни давлатдан, мактабни эса черковдан ажратиш тўғрисида» декрет ишлаб чиқилди<sup>2</sup>. Декретга биноан бутун Советлар мамлақатида дин давлатдан ажратилди. Шу ўтган давр мобайнида ислом дини давлат билан биргаликда бўлмаган бўлсада, маҳаллий халқ турмуш тарзидаги ўз аҳамиятини ҳам йўқотмади.

Чор ҳукумати томонидан бундай тарзда сиёсат юритилиши натижасида 1898 йилда Андижоннинг «Мингтепа» кишлоғида Муҳаммад Али (Дукчи эшон) бошчилигида халқ кўзғолони кўтарилди. Кўзғолоннинг асосий сабаби солиқларнинг кўпайиб кетганлиги ҳамда вақф маҳкамаларининг даромадларини чор ҳукумати томонидан тортиб олинаётганлиги эди.

Шунинг учун ҳам мусулмон руҳонийларидан бири бўлган Муҳаммад Али кўзғолонни амалга ошириш учун маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради ва ўз ҳамюртларини босқинчиларга қарши курашга чорлайди. Жумладан: «Ўруслар ватанимизга истило этди, сўнгра тилимизга истило этди... Чўкиндилар кўпайди ва кўпаймоқда. Аксарият мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарига, киморхоналарига муштарий бўлди, фохишахоналарга ўрганди, мусулмонларни ахлоқи бузилди»<sup>3</sup>. Ўруснинг келганига ўттиз йил тўлмай мусулмонлар ҳалол ҳаромни фарқ қилмас бўлди.

Бундан ташқари унинг қуйидаги сўзлари айниқса эл орасида машҳур эди: «Ерни тириклиги одам билан, инсонни тириклиги илм билан. Илмни тириклиги билсанг, амал бўлур».

ЎАРМДА: 1 фонд, II рўйхат, 1724-шп., 106-варақ.

«1. М. Перлис «Отделение церкви от государства, и школы от церкви в СССР». Москва, 1958. 12-варақ.  
Х. Эисов. Туркистонда Россия таъвоузи ва ҳукмрончилигига қарши кураш. Тошкент, 1998. 392-бет.



Дукчи эшон мусулмон аҳлига қилган муружатида Кубони-Федченко, Марғилонни-Горчаков. Фарғонани-Скобелев, Конибодомни-Мельников деб шаҳарларимизга ўрис генераллари номини қўйилганига ҳам эътиборини қаратган эди.

Муҳаммад Али бу билан чекланиб қолмайди, балки кўзғолонни амалга ошириш учун: «Фарғона музофотидаги машҳур одамларни ўз маслағига эргаштириш мақсадида Муҳаммадалибой, Сомий ва Холикберди охунларга ўнга Қурбонжон додхоҳ ва унинг ўғилларига: Марғилонга – Саид Аҳмаджўжа, Муҳаммад Юсуф эшонга: Наманганга – Яхёхон Тўра, Қодирхўжа ҳожи ва бошқа тижорат аҳли ва уламоларга мактублар йўллайди»<sup>1</sup>.

Улардан олинган жавоблар, ўзбек саноатчиларини кўзғолонга хайрихоҳ бўлсалар ҳам уни бошлашга журъати етмаётганлигини кўрсатади.

Лекин шундай бўлишига қарамай, бу кўзғолон 1898 йили старли даражада тайёргарликсиз кўтарилиди. Муҳаммад Али ва унинг сафдошлари дастлаб амалга ошириладиган ҳаракатлар хусусида айрим режаларни белгилаб олдилар. Бунга кўра, бир вақтда Марғилонда Иноятхон Тўра ва Ўшда Умарбек Додхоҳ бошчилигида кўзғолон кўтарилиб, ҳарбий қисмларга ҳужум қилиниши лозим эди. Муҳаммад Алининг ўзи эса, Андижон шаҳридаги жангга бошчилик қиладиган бўлди.

1898 йилнинг 17-майда Мингтепада Муҳаммад Али раҳбарлигида кўзғолон кўтарилиб, андижон шаҳри томон йўл олди. Кўзғолончилар Эшон бошчилигида Қутчи, Барғон, Оқчи, Қорақўрғон, Чиговул, Ҳаканд, Кўкча, Работ, Дархон каби кишлокларни босиб ўтдилар.

Марғилон ҳарбий лагерида қилинадиган ҳужумга Иноятхон Тўра бошчилик қилиши керак эди. Лекин 17-май куни кечкурун белгиланган жойга старли одам тўпланмади. Бунинг устига шу куни ҳарбий лагерда қандайдир маросим бўлаётган эди. Бундай вазиятда ҳужум бошлаш хатарли эди. Шунинг учун Иноятхон Тўра қароридан қайтиб, Андижонга жўнаб кетган кўзғолончиларни қувиб етиб, улар сафига қўшилишни ният қилди.

<sup>1</sup> Туркистон чор Россияси мутамаलाкачилиги даврида. Тошкент 2000 йил. 359-бет.

Кўзғолончилар Андижон шаҳрига яқинлашганларида Иноятхон Тўра бошчилигидаги бир гуруҳ уларга келиб қўшилди. Муҳаммад Али минг пиёда ва минг отлик оломон билан шаҳар ҳарбий горнизонига ҳужум қилди. Кўзғолончилар асосан болта, ханжар ва оддий нарсалар билан қуролланган бўлишига қарамай, 22 солдатни ўлдириб, 24 тасини ярадор қилдилар. Жанг майдонида кўзғолончилардан 15 кишининг жасади қолди. Шу тариқа пухта тайёрланмаган, режасиз бошланган кўзғолон натижада мағлубиятга учради. Кўзғолон бостирилгандан кейин, сўроқ пайтида Муҳаммад Али берилган саволларга вазминлик билан жавоб қайтарди.

Ҳарбий терговчининг:

- халқни кўзғолонга кўтаришга сизни нима мажбур қилди? – деб берган саволига олти банддан иборат айбномани баён қилди:

- Руслар ўлкани босиб олганларидан кейин халқ ахлоқи каттик бузила бошлади:

- Шариат қоидаларидан чекиниш рўй берди:

- Рус ҳукумати гарчи халққа анча шафқат билан муносабатда бўлган бўлса ҳам ҳаққа боришни таъқиқлади:

- Камбағаллар учун йиғиладиган закотни бекор қилди:

- Вақф қонунларини йўқ қилди-ю, янгиларини чиқармади:

- Халқ ахлоқини яхшилаш ва оилани мустаҳкамлаш ҳақида қайғурмади<sup>1</sup>.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтишимизга тўғри келадики, чоризм ҳукмронлиги даврида вақф мулклари бутунлай йўқ қилинган эмас, балки уларнинг аксарияти давлат томонидан тортиб олинган, мусулмон аҳолисининг «ҳаж»га бориши ҳам аввалгига нисбатан қисман чекланган эди.

Муҳаммад Алининг вақф ҳақидаги қонунлар ташвишлан-тирганига сабаб, XIX аср охирига келиб босқинчилар маориф ва маданиятга хизмат қиладиган вақф мулкларини тугатиб, фақат диний мақсадлар учун мўлжалланган вақфларни қолдиришган эди. Бунинг натижасида миллий мактаблар, фақат диний илмларни ўқитадиган бўлди. Аниқ фанларни ўрганмоқчи бўлганлар рус-тузем мактабларида ўқишлари мумкин, деган қоида жорий қилинди. Бундан кўзланган

<sup>1</sup> Алпашар Эгаммаевров «Сиз билган Дукчи эпоси», Тошкент, 1994 йил, 25 бет.

асосий мақсад: халқни тили, дини, урф-одати ва маданиятидан узоклаштириб руслаштириш эди.

Гарчи, Дукчи эшон бошчилигидаги кўзғолон бостирилган бўлсада, унинг таъсир доираси бутун Фарғона водийсини камраб олди. Асака, Кува, Шахрихон, Навқат, Аравон, Ёзёвон, Наманган ва Ўш уездларида ҳам кўзғолонлар бўлиб ўтди.

Кўзғолон катнашчиларидан жъами 777 киши ҳибсга олиниб тергов қилинди. Кўп кишилар калтаклашлар ва қийноқларга чидай олмасдан камокхоналарда ўлдилар. Терговдан кейин 415 киши суд қилинди, улардан 32 киши окланди ва 380 киши ўлим жазосига ҳукм этилди. Бир киши умрбод камок жазосига ва уч киши тарбиявий лагерга тортилди. Императорнинг «марҳамати» билан ўлимга маҳкум этилган 380 кишидан фақат 18 нафари осиб ўлдирилди. Қолган 362 киши турли жазолар билан алмаштирилди.

1898 йилнинг 12 июн куни Дукчи эшон ва унинг тарафдорларидан олти киши осиб ўлдирилади. Кўзғолончилар эса шу ерда кўмилиб, устидан сўндирилмаган оҳак, кейин тупроқ тортилди. Уларнинг каерга кўмилганлиги билинмаслиги учун бутун майдон текислаб юборилди.

Боскинчилар бу мудҳиш воқеани кўриш учун маҳаллий аҳолини зўрлаб олиб келган ва ёш болаларни олдинги қаторда туришга мажбур этганди. Ҳар Кексалар улардан бунинг сабабини сўраганларида шундай жавоб берган эдилар. «Токи бундан кейин ҳеч бир кимса рус фуқароси кўзига тик қарай олмасин».

Албатта ушбу мудҳиш воқеадан кейин кўпчилик каттик таъсирланади. Ҳатто уларни юришга ҳам мадорлари қолмайди. Айниқса, болалар каттик қўркишади. Улардан бир нечтаси ҳушидан кетади, баъзи бирлари эса ўзига келмай вафот этади.

Кўзғолон бостирилгандан кейин, биринчи навбатда «Мингтепа» қишлоғи аҳолисидан шафқатсиз ўч олинади. Қишлоқ уч кун мобайнида тўпга тутилади. Шундан сўнг 780 оилани «Қақир» деган даштга ҳайдалади. Уларга ҳатто вайрон бўлган уйларининг ёғочларини ҳам олишга руҳсат берилмади.

Мингтепа аҳолиси 1898 йилнинг кишини оч-яланғоч ҳолда ярим битирилган уйларда ва ертўлаларда ўтказишга мажбур бўлди. Бутун ёз бўйи топган тутганига ўй-жой қилиб, старли даражада киш учун

озик-овкат жамгара олмайди. Натижада «Озик-овкатлари бўлмаганлари сабабли, улар ўзларининг ит, эшак ва хатто мушукларини ҳам сўйиб сўйишга мажбур бўлдилар»<sup>1</sup>

1898 йилда Андижондаги Дукчи Эшон кўзғолони шафкатсиз йўллар билан бостирилгач, Туркистонга Россиядан рус оилаларини кўчириш сиёсати янада жадаллаштирилди. Буни Туркистон генерал-губернатори Духовскийнинг подшо Николай II га тайёрлаган хабаридан тўла англаб олишимиз мумкин: «Кўзғолончилар бизнинг уйқуда ётган 22 солдатимизни ўлдирганликлари учун бунинг хунига исёнчилардан 22 минг кишига ўлим жазоси берилиб, уч юз киши каторгага ҳукм этилди. Кўзғолончилар яшаган жой теп-текис қилиниб, у ерга 200 оилали рус кишлоғи қурилди. Худди шунингдек, Андижон шаҳри атрофидаги Ҳакан, Хартум кишлокларидан ҳам ерли аҳоли кўчирилиб, уларнинг ерлари рус оилаларига берилди»<sup>2</sup>.

Воқеалар қатнашчиларининг гувоҳлик беришича, Мингтепадаги эшон хонақоҳининг ўрни текислаб, черков қилишга қарор қилинган. Орадан бир ой ўтганда, ичкари Русиядан ниҳоят кўп мужиклар келиб қолди. Буларнинг ҳар қайсиларига қарз ва ёрдам пули топиб бериб, шу Мингтепада тайёр ва план қилиб қўйгон жойларга хона жой бериб ўрнаштирилди<sup>3</sup>. Ҳаканддаги Афғонбоғ деган машҳур зироат тажрибагоҳидаги аграномни 18-май кuni кўзғолончилар ўлдиргани учун ана шу жойдаги 500 хонадоннинг иморатлари, боғ-роғлари ҳам текислаб ташланди. Қаршилик қилганлар отиб ўлдирилди. Андижон шаҳрининг боғу-бўстони бўлган Ҳаканд кишлоғи «Духовский майдони» деб аталган рус посёлкасига айланттирилди.

Бу билан чекланмаган босқинчилар маҳаллий халқни хўрлайдиган ва камситадиган тартибларни ҳам жорий қилдилар. Масалан: Кўчада рус амалдор тўралари кўринса, ерли аҳоли дарров от-уловидан тушиб таъзим бажо келтириши, то у ўтиб кетмагунча сажда қилганича эгилиб туриши шарт эди<sup>4</sup>.

Ўлка аҳолисининг Чоризм истилосига қадар ижтимоий-маданий қиёфаси қандай эди? Бу саволга ўлканинг биринчи генерал-губернатори Кауфман Туркистон билан илк танишувидан кейин

<sup>1</sup> Ҳ. Р. Д. А. 717 фонд, 1-руйхат, 18-нш, 83-84 ыарақлар.

<sup>2</sup> Туркистон чор Россияга мустақиллашчилик даврида. Тошкент 2000. 379 бет.

<sup>3</sup> Туркистон чор Россияга мустақиллашчилик даврида. Тошкент 2000. 379 бет.

<sup>4</sup> Ҳ. Раҳмонов. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив материалларидан фойдаланиш. Тошкент 1995. 33 бет.

ҳарбий вазир Милютинга: «Мусулмонлар ўзларини шу қадар совуққонлик билан тутиб, олий ҳокимият вакилларига шу қадар бепарво, ҳатто ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмоқдаларки, бу борада қандайдир ўзаро келишув мавжуд бўлса керак деб таҳмин қилиш мумкин... Мен ақл-идрокли кишиларнинг кайфияти яхши эмаслиги, рус ҳокимиятини ёқтирмаслигига асосланиб, бу ерда ундан ҳалос бўлиш учун қулай фурсатдан фойдаланиб қолишга ҳозирлик ҳақиқатдан ҳам мавжуд эканлигига аминман»<sup>1</sup> - деб ўз даврида жавоб берган эди. Бундан кўриниб турибдики, чоризм истилосидан кейин Туркистон ўлкасининг аҳолиси мустахлакчиларнинг жабру-ситамлари оқибатида шундай аҳволга тушиб қолганди.

Хуллас, Андижон кўзғолонидан кейин босқинчилар ўлкани русча ўзлаштириш сиёсатида ҳар қандай ниқобдан воз кечиб, очикчасига зўравонлик йўлига ўтдилар. Мусулмонларни русларга мажбурий равишда сажда қилдириш одатини жорий этдилар.

1898 йилги кўзғолон бостирилгандан кейин генерал Корольков императорга Ўрта Осиёни тезроқ руслаштириш бўйича бутун бир фаолият дастурини ҳавола этди. Корольков ишни мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган мадрасалардан бошлашни, яъни мадрасаларда рус тилини ўқитиш ғоясини илгари сурди. Бу ғоят нозик ва ўта қалтис тадбир бўлганлиги учун ҳам зўравонлик билан эмас, аксинча, ихтиёрли асосда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини ўқтирди. Генералнинг фикрича, бунинг учун одамларда қизиқиш уйғотиш лозим. Бунинг учун рус тилига давлат тили мақомини бериш керак. Барча маҳаллий амалдорларга 5 йил муддат ичида давлат тилини ўрганишни, 15 йилдан кейин эса мансабга даъвогар кишилардан фақат рус тилини биладиганларни юзбоши, қози, оксоқол ва мингбоши лавозимларига тайинлашни тақлиф этди. «Бу тадбир, - деб ёзган эди генерал-Корольков, - мадрасаларнинг эшикларини рус ўқитувчилари учун кенг очади. Ана шунда биз мадрасалар деворлари ортида нималар бўлаётганидан бохабар бўлиб тураемиз». Империя маркази генерал Корольковнинг ғоясини қизгин қўллаб-қувватлади ва уни тезлик билан ижрога қабул қилишни генерал-губернатор зиммасига юкледи. Шундан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги ислом динига бўлган эътиборни

<sup>1</sup> Кастельская Э. Д. Из истории Туркестанского края, Москва-1960, 29-б.

яна ҳам кучайтирди. Шу билан бирга унинг маҳаллий халқ ўртасидаги мавқеини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. 1898 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган йиғилишда Кауфманнинг ёрдамчиси бўлган генерал Иванов шундай ҳисобот берган эди.

1. Генерал Кауфман даврида мусулмонларнинг бирлашувига тўсқинлик қилинди ҳамда «Қозикалон» «Шайхулислам» лавозимлари йўқотилди.

2. Оренбург муфтийсининг Туркистонга таъсир ўтказишига бўлган уринишига зарба берилди.

3. Қози ва имомларни сайлашнинг масжидга бўлган алоқаси тугатилди.

4. Янги вақф маҳкамаларини ташкил этишга руҳсат берилмади, эскиларининг кўплари эса ҳукумат томонидан тан олинмади.

5. Мусулмонлар ўртасида миллий адоват авж олдирилди.

Шундан кейин Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Корольков ҳам сўзга чиқиб, ислом дини вакиллари ва маҳаллий халқ устидан назорат ўрнатишни, ўлка халқларини бўлиб ташлаб улар устидан ҳукмронлик қилишни таклиф этди.

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятини ислом дини вакиллари ва маҳаллий халқ тўғрисида бундай хулосага келишининг сабабларидан яна бири, Туркистон ўлкасида жадидлар фаолиятининг кучайганлиги эди.

1865 йили Туркияда «Ёш усмонийлар» жамияти юзага келади. Бу жамият феодал салтанатга, зулм ва жаҳолатга қарши кураш бошлайди. Ушбу ҳаракат Россия мустамлакасидаги мусулмонларга, айниқса татар зиёлиларига кучли таъсир этади. Натижада, 1884 йили Исмоилбек Гаспирали (Гаспиринский) томонидан Бокчасаройда «Усули жадид» деб номланган биринчи мактаб очилди.

Гаспиринский мусулмон болаларини бутунлай янги усулда ўқитишга киришади ва 40 кун ичида ёш болаларнинг саводини чиқариб ҳам ўқишни, ҳам ёзишни ўргатади. Шунингдек, Қуръонни тиловат қилишни, ҳисоб-китоб, ислом тарихи ва жутрофиядан бир оз маълумот бериш мумкинлигини исботлади.

«Усули жадид» мактабига шубҳа билан қараган ота-оналар ва бошқа нуфузли кишиларни таклиф қилиб, улар иштирокида оммавий кмитхон уюштирди. Имитхонда қатнашганлар, болаларнинг 40 кун

ичида туркча ўқиб-ёзишни. Қуръони Каримнинг очилган саҳифасини ўқиб бераётганликларини кўриб ҳайрага тушдилар. Шундан кейин ушбу мактабга бўлган муносабат тубдан ўзгаради. Натижада «Усули жадид» мактабининг мўъжизали кудрати ҳақидаги хабар барча мусулмон ўлкаларига жумладан, Туркистонга ҳам етиб келди.

Туркистондаги биринчи «усули жадид» мактаби 1893 йили Исмоилбек Гаспиринскийнинг бевосита ёрдами ва мадади билан Самарқандда очилди. Иккинчи жадид мактаби Андижонда Султонмуродбейнинг нахта тозалаш заводи биносида 1897 йили очилди. 1898 йили Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошкентда Маннон қори ва Андижонлик Шамсутдин домлалар ҳам жадид мактабларини очдилар.

Жадид мактабларининг сони Туркистон ўлкасида жуда тезлик билан ўсиб борди. 1908 йилги расмий маълумотларга қараганда ўлкадаги 30 та жадид мактабида 1300 бола ўқиган бўлса, 1911 йилда 63 та жадид мактабида 4106 та бола таълим олган<sup>1</sup>.

Бундай мактабларда дунёвий фанларга жуда кенг ўрин берилган. Масалан: Мунаввар қори Абдурашидхонов мактабининг ўқув дастурида араб ва форс тиллари, тарих, география, физика, арифметика, геометрия, адабиёт каби фанлар ўқитилган. Шунингдек, ушбу мактабда Валишевнинг татар тилида тузилган «Ҳисоб» (Арифметика) номли арифметик мисоллар тўпламидан (1400 дан ортиқ мисол ва масалалар бор), География бўйича Абдурашидхонов ёзган «Ер юзи» китоби (бунда ернинг умумий кўриниши, океан, денгиз, дарёлар, давлатлар, шаҳарлар ва улардаги турмуш ҳақида қисқача маълумот берадиган) ҳамда А.Фаҳриддиновнинг «Расмий жуғрофияси» китобидан ҳам кенг фойдаланилган. Албатта бундай мадрасаларни тамомлаганлар мактаблар очиб, янги усул мактабларини ёйишда асосий тарғиботчи бўлдилар.

Туркистон жадидларининг сардори муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий «Падарқуш» драмасида ўз гоёларини зиёли образи орқали қуйидагича ифодалайди:

- Биз мусулмонларга алалхусус, бу замонда икки тоифа олим керакдир. Бирини олим диний, иккинчисини олим замонавий.

<sup>1</sup> Ўз РМДА: 47 фонд, 1 гуруҳ, 395 ш. 23 нарак

Олим диний: имом, қори, мударрис, муаллим, қози, муфтий бўлиб, халойиқнинг диний, ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарар. Бу синфга кирадиган талабалар аввало Туркистонда ва Бухорода илми диний, адабий ва бир оз русча ўқиб, сўнгра Макка, Мадина, Миср, Истамбул тариқатида бориб, илми динияни хатм қилсалар керак. Токи комил мулло бўлсинлар.

Олим замонавий бўлмоқ учун болаларнинг, аввало, мусулмонча саводини чиқариб, зарурати диния ва ўз миллатимиз тилини билдиргандан сўнгра ҳукуматимизнинг низомий мактабларига бермоқ керакдир. Яъни, гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилганларидан сўнг Петербург, Москва дорилфунунларига юбориб докторлик, инженерлик, судьялик, илми зироат, илми саноат, илми иқтисод, муаллимлик ва бошқа илимларни ўқитмоқ лозимдир...

Хаттоки шу тариқа ўқиган мусулмон болаларини Фарангистон, Истамбул дорилфунунларига тажриба учун юбормоқ керакдир<sup>1</sup>.

Жадиidlарнинг олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида мусулмон руҳонийлари ҳам аста-сскинлик билан уларнинг тарафига ўта бошлайди. Мадраса ва масжидлар қошида янги усул мактаблари очилади ва улар сони йилдан йилга кўпайиб боради.

Мусулмон руҳонийларининг янги усул мактабларига нисбатан муносабатининг ижобий томонга ўзгарганлиги эски усул мактабларининг янги усулга ўтиш жараёнини тезлаштирди.

Туркистон ўлкасидаги мактаб ва мадрасаларнинг ХХ аср бошларидаги ҳолати қандай эди? Бу ҳақда Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг «Мулоҳаза» деб аталган мақоласида шундай ёзганди. «Биз Туркистонликларнинг мактаб ва мадрасалар оз эмас. Аммо уларда таълим бериш ҳолати яхши эмас. Замона талабига мувофиқ илмлар мактаб ва мадрасаларда учрамайди. Ҳозиргача мадрасаларда мавжуд бўлган илмларни ўқитишда ҳам эътиборсизликка йўл қўйилмоқда»<sup>2</sup>.

Албатта бунинг асосий сабаби чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасида олиб бораётган босқинчилик ва талончилик сиёсати эди.

Миллий тараққийпарварлар мустабид тузумнинг халқни эзиш сиёсатидан воқиф бўлиб, ниҳоятда қайғурганлар: юрт қайғуси мавзуи

<sup>1</sup> Ўзбек театри тарихи. Тошкент 1968 йил. 286 бет.

<sup>2</sup> Ойин. 1913 йил. 1-сон. 28 бет.



ҳамиша жадид газеталарининг долзарб мавзуларидан бўлган. Чунончи, шу ном билан аталган Фитратнинг мақоласи ниҳоятда чуқур изтироб ва алам билан суғорилган. Унга қўшилиб Ҳожи Муин ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар ўз мақолаларида чор ҳукуматининг халқ маданиятини оёқ ости қилиб, ҳукуқини поймол қилаётганлиги ҳақида қайғуриб ёзганлар. М. Шермуҳамедов мақолаларидан бирида ўз ҳис-туйғуларини қуйидагича акс эттиради: «Фаробий ва Ибн Сино каби доҳийлар, файласуфлар, ҳукамолар сенинг буюк муқаддас мадрасаларингдан етишиб чиқиб, куррайи заминга тиббиётдан, риёзиёт илмларидан сочган эмасми эдилар? Минораси кўк сари узайган улуғ мадрасаларингдан муҳаддислар, фақиҳлар тарқалиб, олами исломга исломга нисбатан йўқ хизматлар этган эмасми эдилар?... Сени шу ҳолга туширган, золимларга аср этган, чароғ каби ёниб турган илмларингни сўндирган қайси жоҳиллар? Қандай малъунлар?... Улуғ мадрасаларининг вақфини ўз қафига ҳисб этиб олган хонлар, шояд сенинг хотирангдин асло чиқмаслар...

...Сени шу ҳолга тушириб, азиз авлодингни Сибирнинг совуқ минтақаларинда саргардон этиб қўйганларга лаънатлар ўлсин! Аммо сени деб, сенинг истиқболинг деб, чет элларда таҳсили илм этиб юрган ёш йигитларинг, иншооллоҳ, мақсадларига етишурлар. Шулар болаларинг соясинда сенинг истиқболинг шояд умидли бўлур».

Лекин миллий тараққийпарварлар фақатгина куюниб, эзилиб ўтирмаганлар, халқни, айниқса, ёшларни кўзғалишга, курашга, ҳаракатга ундаганлар. Улар ўзларининг халқ таълимини янгилаш соҳасидаги фаолиятларини чоризм минтақадаги ўз ҳукмронлиги учун жиддий ҳавф сифатида баҳолашини яхши англаганлар.

XIX аср охири XX аср бошларида мусулмон дунёсини камраб олган ғояларнинг Туркистонда ёйилишидан ҳавфсираган чор маъмурлари мусулмон мактаб ва мадрасалари устидан миршаблар назоратини кучайтирдилар. Бунга сабаб бу мактаб ва мадрасалар орқали маҳаллий аҳолининг саводхонлиги ўсиб, тили, адабиёти ва миллий маданияти ривожланиб, бу халқ Россиядаги мавжуд тузумга ҳавф тугдириши мумкин, деб ҳисобладилар. Айниқса, босқинчилар бу

муассасалар орқали «пантуркизм», «панисламизм» ғоялари тарқалишидан чўчир эдилар.

Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги 1898 йили ислом дини вакиллари фаолият юритаётган барча мактаб, мадраса, мазор, зиёратгоҳ ҳамда вақф маҳкамаларини рўйхатга олган<sup>1</sup>.

Вилоятлар	Мактаблар сони	Ўқувчилар сони	Мадрасалар	Талабалар сони	Қорихоналар сони	Ўқувчилар сони	Ўқув маҳкамалар сони	Талабалар
Сирдарё	1809	19453	49	1099	2	40	1860	20592
Фарғона	1143	11145	159	5230	312	974	1614	17339
Самарқанд	1680	14175	69	1606	19	184	1768	15970
Жами бўлиб Туркистонда	4632	44773	277	7935	333	1203	5242	53911

Вилоятлар	Масжидлар	Улардаги имомлар	Мозорлар	Улардаги шайхлар	Эшонлар
Сирдарё	2665	2565	52	169	175
Фарғона	6134	6092	53	177	445
Самарқанд	3155	3023	226	75	171
Жами бўлиб Туркистонда	11964	11680	331	421	391

Чор ҳукумати ўзининг бундай сиёсатини кейинги вақтда ҳам давом эттирди. Жумладан, 1900 йилга келганда мусулмон маҳкамалари ҳақида босқинчилар қуйидаги маълумотларни тўплаган эдилар. Мактаблар сони 5755 та бўлиб, уларда 5771 та муаллим хизмат қилган бўлса, 686 та эшоннинг 66487 та муриди мавжуд эди. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли эътиқод қиладиган 1415 та азиз-авлиёларнинг мазорларида 1256 та шайх мавжуд бўлган бўлса, мактаб

<sup>1</sup> УАРМДА: 1 фонд. 11 рўйхат. 1832-нш. 8-сарраф.

ва мадрасалар қошида 1503 та масжид ҳамда 11230 та алоҳида масжидларда 12499 та имом хизмат қиларди<sup>1</sup>.

Мана шу омилларни ҳисобга олган Туркистон улкасининг янги генерал-губернатори Духовский ислом ҳақида ўзининг қуйидаги фикрларини билдирган эди.

1. Ислом ўзининг бу ҳолида христиан маданиятига душман бўлиш билан бирга, ўлка мусулмонларини руслаштириш сиёсатига батамом қаршидир.

2. Суфизм бизга утун зарарлидир.

3. Россия империясининг инсонпарвар қонунларидан ва бизнинг маданиятимиз инъомларидан фойдаланган ислом мустаҳкамланиб, жипслашиб, давлатга қарши бўлган ташкилотга айланиб бормоқда. Бунда эса биз йўл қўйган хатолардан фойдаланмоқда.

4. Бундан кейин исломни татиб этиш номаъқул иш бўлгани билан бирга бунинг иложи ҳам йўқдир.

5. Туркистон ўлкаси йирик мусулмончилик марказларидан бири бўлиш билан бир каторда, диний ва этнографик жиҳатдан зич жойлашган. Аҳолиси эса суфизм билан заҳарлангандир. Бу эса алоҳида диққат эътиборни талаб қилади.

6. Мусулмонларни ягона диний ташкилотга бирлаштирувчи диний бошқармани ташкил этиш зарарлидир.

7. Асрлар ўтсада, 14 миллионли мусулмон аҳолининг ҳаммаси христианликни қабул қилмайди.

8. Мусулмон аҳолининг христианлар билан яқинлашуви ислом динининг аҳамияти камайган тақдирдагина бўлиши мумкин. Баъзи бир вақтларда мусулмонларнинг душман эмаслигини исботлашга уриниш ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай гап сўзларга ишониш уларга эътиборсизлик билан қарашга олиб келади. Бу эса бизнинг олиб бораётган сиёсатимизга қарама-қаршидир.

9. Ислом жоҳил ва ғайратли осиеликлар назарида шундай кучлики, шундай руҳда тарбияланган кишилар онгидан уни тезда чиқариб ташлашга бўлган уриниш беҳудадир. Фақат ўсиб келаётган ёш авлодларга тўғри таълим беришгина исломга бегона бўлган ҳамма нарсаларни тан олмаслик носоғлом фикр эканлигига ишонч ҳосил

<sup>1</sup> Савицкий А. П. «Некоторые данные об исламских учреждениях и политике царских властей в Туркестане». Ташкент 1956 йил. 55 бет.

килдириш мумкин. Бунинг учун hozirда купчилик мусулмон мактабларидаги таълим-тарбияни рус мактабларидагидек умумий таълим билан алмаштириш зарур.

10. Бизнинг маъмуриятдагилар маҳаллий халк тилини ўрганмоклари зарур. Шу билан бирга таржимонларни аста-секинлик билан камайтириб бориш керак. Бу эса рус тилини маҳаллий халк орасига кириб боришига олиб келади.

11. Туркистон ўлкасидаги қози судларини ҳам умумий асосдаги суд маҳкамалари билан алмаштириш керак. Бу тадбир ислом динини ва мусулмон руҳонийларини маҳаллий халққа бўлган таъсирини камайтиради<sup>1</sup>.

Чор ҳукумати томонидан бундай тарзда сиссат юритиш 1908 йилга қадар давом эттирилди. 1908 йилга келиб эса генерал-губернатор Мушенко раҳбарлигидаги махфий комиссия Туркистон ўлкасидаги ислом динининг аҳволи масаласини кўриб чиқади ва комиссия Туркистон мусулмонларини учта оқимга бўлди<sup>2</sup>.

1. Панисламизм оқими. Буларнинг охириги мақсади ўлкани христианлар таъсиридан чиқариб олиш, деў кўрсатилган эди.

2. Инқилобий оқим. Булар тўла шаклланмаган. дейилади.

3. Прогрессив оқим.

Бундан ташқари комиссия ўлканинг маҳаллий аҳолиси ўртасида инқилобий кайфиятнинг кучайиши хавфли деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мадрасалар устидан назорат қилишни амалга оширишга киришди.

Худди шу йили Туркистон ҳарбий округлари кўмондони Кондратович раислигида яширин мажлис бўлиб ўтди. Бунда ўлкадаги ҳарбий ва таълим ишлари билан бевосита боғлиқ бўлган маъсул шахслар «мусулмон ўқув юртларини назорат қилишнинг аҳволи» тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар ва гоёт хилма-хил фикрларни баён этдилар. Масалан, Н. П. Остроумовичнинг фикрича, мактаблар ва мадрасаларни инкор қилишнинг... 40 йиллик тажрибаси қўтилган натижага олиб келмади: бу мактаблар барҳам топиш у ёқда турсин, балки озодлик ҳаракатининг таъсири остида янгилана бошлади - деган эди.

<sup>1</sup> Ҳ. РМ/А: 1 фонд. 11 рўйхат. 1832<sup>а</sup> шп. 6 бет.

<sup>2</sup> К. Е. Бендриков «Очерки по истории народного образования в Туркестане», Москва 1960 йил. 276 бет.

Туркистон халқ билим юртлари директори С. М. Грамениций эса шуни қайд этиб ўтганди: «Босиб олиш вақтида армия ва найзалардан кўриб, «аҳоли қаршилиқ кўрсатишга журъат қилолмаган эди», лекин эндиликда мусулмон аҳолининг маънавий ҳастига аралашмаслик сиёсатини ўзгартириш ниҳоятда хавфлидир, олдиндан сезилиб турибдики... биз аҳоли томонидан жиддий қаршилиқ кўрсатилишига дуч келамиз, бу эса катта қийинчиликларга олиб келиши мумкин». Мусулмон мактабларининг сони жуда катта эканлиги - фақат уч маҳаллий вилоятнинг ўзида 5572 та мусулмон мактаби ва 285 та мадраса борлигини ҳисобга олиб, таълим идораси ўз зиммасига бу назоратни ва мазкур назоратни ўрнатиш учун керак бўладиган чораларни кўра олмайди-деган эди<sup>1</sup>.

Бундан кўришиб турибдики, мустамлакачи маъмурларнинг миллий мактаб ва мадрасаларни «киши билмас тарзда» тугатиб юборишга қаратилган сиёсати ўзини оқламади. Чоризм томонидан ғамхўрлик ва ҳомийлик қилинган рус-тузем мактаблари эса маҳаллий аҳоли ўртасида оммалашмай қолган. Маҳаллий аҳоли ҳаққоний равишда уларни ўз миллий манфаатларига, кўп асрлик анъанавий миллий кадриятлари ва кундалиқ турмуш шароитига жавоб бермайди, деб ҳисоблади.

1911 йилда ички ишлар вазири Маклаков Туркистон ўлкасидаги барча вилоят губернаторларига ҳукумат учун «хавфли» деб таъинланган мактаб, мадраса ва бошқа мусулмон маҳкамаларини беркитиш тўғрисида кўрсатма берди.

Бу сиёсат Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияги томонидан 1917 йилга қадар давом эттирилади.

Шундай қилиб Туркистон генерал-губернаторлигининг ислом динига бўлган муносабатига яқун ясайдиган бўлсак, мустамлакачилар ўзларининг босқинчилик, талончилик ва руслаштириш сиёсатига қарши тура оладиган ислом дини вакиллариининг ҳақ-ҳуқуқларини чекладилар. 1865-1917 йиллар мобайнида ўлкадаги қорихона, мазор ва зиёратгоҳлар, эшон, имом ҳамда дарвешлар устидан тўла назорат ўрнатилди.

Мадрасалардаги мударрислар, вақф мулкларини бошқариб турувчи мутаваллилар генерал-губернаторлик маъмурияги томонидан

<sup>1</sup> ЎзРМДА: И 1 фонд, 31 рўйхат, 540-том, 60-61-сарҳад.

тайинга надиган бўлди. Янги мактаб ва мадрасалар ҳукуматнинг руҳсати билан қуриладиган бўлган бўлса, қози ва имомларнинг тайинлаш шариини ҳам ҳукумат ўз қўлига олди. Бу билан нафақат ислом дини вакилларининг, балки маҳаллий халқнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари чекланди.

Бундан кўришиб турибдики, мусулмон руҳонийлари қаршилик кўрсата-кўрсата ўзгартирилган ҳаёт тарзини қабул қилишга ва унга мослашишга мажбур бўлганлар. Лекин шунга қарамай чоризмнинг мустамакчилик даврида жадидчилик ҳаракати авж олди.

Ўлкада миллий тарққийпарварлар ҳаракатининг ривожланиши шу қадар жадал бордики, чоризмнинг қулаш пайтига келиб бу ҳаракат замирида «Тарққийпарвар» (1913-1914 йилларда У. Асадуллахўжаев томонидан ташкил этилди.) «Исломия клуби» (Самарқандда), «Марвож ул-ислом» (Кўконда), «Озод халқ» (Андижонда), «Равнак ул-ислом» (Каттақўрғонда), «Муаййин ат-толибин» (Хўжандда) каби асосий ташкилотлар пайдо бўлди<sup>1</sup>.

Аммо чор ҳукумати жадид намосндагарига ҳам қарши фаол кураш олиб борди. Лекин шундай бўлишига қарамай босқинчилар ўз мақсадларига Октябрь тўнгарлишига қадар ҳам тўла эришгани йўқ. Шунга сабаб ислом дини вакилларини мактаб ва мадрасалардаги таълимга, шариат асосида иш кўрувчи судларга ва катта микдордаги в. қф мулкларига эгалик қилганлари ҳамда энг асосийси маҳаллий аҳолини ислом динига эътиқод қилганлиги учун уларнинг асосий таянчи бўлиб қолаверди.

<sup>1</sup> Мустабид таълимнинг Ўзбекистон миллий байлиқларини талаш сўбсати: Тарих шўҳидлиги ва сўбқлари. Тошкент 2000. 380 бет.

## ХУЛОСА

Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан истило қилинганга қадар мусулмон руҳонийлари маҳаллий халқ орасида катта обрў-эътиборга эга эди. Улар фақат диний ишларни бошқарибгина қолмай, суд ва маориф ишларига ҳам раҳбарлик қилар, шунингдек давлат бошқарувида ҳам фаол иштирок этардилар. Улар азал-азалдан жамиятда катта куч бўлиб, хон ва амирларнинг асосий маслаҳатчилари бўлишган. Шунингдек, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий масалалари счимига сезиларли таъсир кўрсатган. Амирлик ва хонликлар даврида Шайхулислом, Қози қалон, Нақиб, Аълам, Муфтий, Имом каби диний унвон ва мансаблар бўлган. Имомнинг фаолияти фақат диний маросимларни бажариш билан чекланмаган, у ҳамюртларининг турмушидаги муаммоларни ҳам ҳал қилишда маслаҳатчи эди. Маҳаллий халқ оммаси доимо имомларни эъзозлаган ва улар ортидан эргашган.

Ислом дини вакиллари хонликлар даврида мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбия ишларига ҳам бошчилик қилишган. Мазкур ўқув масканларида нафақат «Қуръон» ва «Ҳадис» таълимоти, балки дунёвий фанлар ҳам кенг миқёсда ўқитилган. Шунинг учун ҳам ўз даврида Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Бобур каби кўплаб мутафаккир олимлар етишиб чиққанди.

Ўрта Осиё ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин, босқинчилар уни ўз мустамлакасига айлантириб, ўлканинг бойликларини талашга ва уни ўзининг хом ашё базасига айлантиришга қаратилган талончилик сиёсатини олиб бордилар. Албатта, чор ҳукуматининг бу сиёсатига биринчи бўлиб ислом дини вакиллари қарши чиқдилар. Бунинг асосий сабаби мусулмон руҳонийларини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиши эди.

Шунинг учун ҳам мустамлакачилар дастлабки кунлардан бошлаб, уларнинг фаолиятини ва мавқеини чегаралашга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун босқинчилар аста-секинлик билан уларни давлат ишларидан четлаштирдилар ва вақф мулкларининг даромадларини қисқартириб бордилар.

Мадраса ва масжидлар қуриш, азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилиш, Туркистон генерал-губернаторининг руҳсати билан амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, вақф мулкларининг

мутаваллилари. Мъсжид имомларини рус маъмуриятинини розилиги билан тайинлаш жорий этилди. Вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари «хавфли» деб топган мадраса, корихона ва бошқа диний маҳкамалар ёпилди. Бу билан нафақат мусулмон руҳонийларининг ҳақ-ҳуқуқлари чекланди, балки маҳаллий халқ ҳам аста-секинлик билан саводсиз, маданиятсиз, итоатгўй кулларга айлантириб борилди.

Мустамлакачилар мадрасаларга ҳам рус давлати учун зарарли ташкилот деб қаради. Шунинг учун ҳам уларга қарши зимдан яширин кураш олиб борди. Бунинг учун дастлаб мадрасаларнинг хўжалик фаолиятини назорат қилиб турувчи «мутаваллибоши» лавозимини йўқ қилдилар. Бундан кўзланган мақсад мадраса вақф мулкларини талон-тарож қилинишига йўл қўйиш эди. Бу билан чекланмаган босқинчилар мадрасаларга кириб, ўқимоқчи бўлганларда ўқишга бўлган қизиқишини сундириш мақсадида ушбу мадрасаларни битирганларни давлат ишларига олмаслик чора-тадбирларини кўрди. Оқибатда маҳаллий халқ орасида «ўқиб ким ётасан» деган салбий тушунча юзага келди.

Чоризм ислоҳосидан кейин Туркистон ўлкасида шарият асосида иш кўрувчи «қози» судлари билан бирга рус суд маҳкамалари ҳам ташкил этилди. Бу суд маҳкамаларининг бир-биридан фарқи шунда эдики, русий забон аҳоли маҳаллий миллат вакиллари яшаётган ерда қилган жинояти учун қози судлари олдида жавоб бермасди. Бундан ташқари йирик суммадаги суд ишларини ҳам рус судларида кўриб чиқиларди.

XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошларида ислом динига бўлган муносабат масаласи тўғрисидаги ушбу ўқув-услубий қўлланма билан бу масала яқуний етган деб ҳисобланмаслиги керак. Чунки собиқ шўролар даврида ҳам мусулмон руҳонийларига нисбатан кўплаб зўравонликлар қўйилди. Уларнинг кўпчилиги қисми «Пантуркист», «Панисломизм» гўшари тарафдори, қолган қисми эса халқ душмани сифатида қатағон қилинган. Албатта, бу ўзининг ечимини кутиб турган долзарб муаммоларимиздан биридир.

Истиклол туфайли ислом динига ва диний ташкилотларга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қарор топди.



## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Бакр Муҳаммад Наршахий «Бухоро тарихи». Тошкент-1981.
2. Абдурашидхонов М. «Танланган асарлар». Тошкент-2003.
3. Бартольд В. Туземон орусском завосвани. Тошкент-1958.
4. Бендриков К. Е. «Очерки по истории народного образования в Туркестане». Москва-1960.
5. Бехбудий М. Бизга ислохот керак. «Нажот»-1917.
6. Валиев А. Положение дехканства Фергани в конце XIX начало XX века. Тошкент-1958.
7. Вамбери Херман. «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи». Тошкент-1998.
8. Галузо П, Туркестан колония. Москва-1929
9. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қураш. Тошкент-1998.
10. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. «Ватан тарихи». Андижон-1995.
11. Кауфман К. П. «Кауфман как устроителя Туркестанского края». Тошкент-1963.
12. Керенский Ф. Медресе Туркестанского края. Спб. 1892.
13. Рахимов Ж. «Ўзбекистон тарихини урганишда архив манбаларидан фойдаланиш». Тошкент-1995.

14. Рыбаков С. Г. «Устройство и нужды управления духовными мусульман в России». С. Петербург-1917.
15. Савицкий А. П. Поземмельный вопрос Туркестане. Тошкент-1963.
16. Савицкий А. П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. (Труды Средней Азиатского гос. Ун-та им. Ленина). Ташкент-1956.
17. Соболев Л. Географический и статические сведения о Зеравшанском округе. Спб. 1874.
18. Материалы для статического описания Ферганской области. Выпуск-I. Новый Маргелан-1807.
19. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоклари. Тошкент-2000.
20. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент-1992.
21. Фозилбек Отабек ўғли «Дукчи эшон воқеаси». Тошкент-1992.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ**

- 1-фонд «Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси».
- 17-фонд «Сирдарё вилояти бошқармаси».
- 19-фонд «Фарғона вилояти бошқармаси».
- 23-фонд «Фарғона вилояти Скобелев уезди бошлиғи бошқармаси».
- 29-фонд «Тошкент ер солиғи маҳкамаси».
- 36-фонд «Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси».
- 47-фонд «Туркистон ўлкасидаги ўқув маҳкамаларини бошқариш».
- 717-фонд «Туркистон генерал-губернаторлиги кенгаши».
- 2282-фонд «Архангельский Николай Порфильевичнинг» - шахсий фонди.

## МУНДАРИЖА:

Кириш .....	3-5
Хонликлар даврида ислом динининг аҳволи .....	6-18
Чоризм истилосидан кейин ислом динининг аҳволи .....	19-61
Хулоса .....	62-63
Фойдаланилган адабиётлар .....	64-65

**Собиржон БОЛТАБОВ**

**ЧОРИЗМ ҲУКМРОНЛИГИ  
ДАВРИДА ИСЛОМ**

*Уқув — қўлланма*

Мухаррир:  
Тех. муҳаррир:  
Саҳифаловчи:  
Мусахҳих:

**Муҳаммад ВАЛИ**  
**Ғанижон МУЛЛАБОВ**  
**Музаффар МИРАЗИЗОВ**  
**Саифуллоҳон ЯҲЁЕВ**

Теришга 17.06.2005 йил берилди. Босишга 20.06.2005 йил рухсат этилди.  
Газета қоғозига офсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 4.5  
босма табок. Адади 500 нусха. Буюртма № 742. Баҳоси келишилган  
нархда.

«Наманган» напирети. Наманган ш. Павони кучаси. Маъмур уйи. 3-қavat.  
«Чуст босмахонаси» МЧЖ. Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси. 8-уй.



**Собиржон БОЛТАБОЕВ** – 1964 йил Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилган. 1990 йили Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Иш фаолиятини Наманган Давлат педагогика институтида кабинет мудирлигидан бошлаган.

1995 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институтида “XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги вақф мулклари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаган. Айни пайтда Наманган Давлат университети тарих факультетинида ишламоқда.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма олимнинг илмий изланишлари самараси бўлиб, унда юртимиз тарихига оид кизикарли маълумотлар баён этилган.

